O'zingni angla!

HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2016-yil 13-aprel, chorshanba ✱ № 15 (974) ✱ 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ✱ Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz ✱ www.uzhurriyat.uz

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси ШҲТ-га раислик қилаётган давлат сифатида ташкилотнинг янада равнақ топиши, унинг меъёрий-ҳуқуқий асослари мустаҳкамланиши ҳамда ушбу тизимнинг нуфузи янада юксалишига катта ҳисса қўшаётир.

⇨ 5-бет

СЎЗИМИЗНИНГ ОЛМОС ҚИРРАЛАРИ

Халқни замонлар эврилишида унутилиб кетишдан асрайдиган асосий қиймат — унинг она тили ва сўзларидир. Туркий шажаранинг бақувват халқаси бўлмиш ўзбек лисонимизда сўзлар мўл-кўл ҳамда ранг-баранг: уларни хотира тегирмонидан олиб янада жаранглатиш фурсати етди.

⇨ 6-7-бет

ЧИН ЮРТИДА ЧИН ҒАЛАБА

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз хотин-қизлари бадиий гимнастика, енгил атлетика, сузиш спорт турларида олимпиада мусобақаларида иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаганини яхши биламиз. 19 ёшли Ёдгорой Мирзаева эса мамлакатимиз бокси тарихида илк маротаба ёзги олимпиада ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

⇨ 8-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

6 апрель куни пойтахтимизда «Қонунлар ижросини таъминлашнинг самарадорлигини ошириш механизмлари: миллий ва хорижий тажриба» мавзуида халқаро конференция ўтказилди.

8 апрель куни Тошкент шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШҲТ МАТТ) кенгашининг йигирма саккизинчи мажлиси бўлиб ўтди.

9 апрелда Халқимизнинг миллий ифтихори, Буюк давлат арбоби, саркарда соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 680 йиллиги бутун юртимиз бўйлаб кенг нишонланди.

11 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Парламент назорати тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси қонунини имзолади ва у матбуотда эълон қилинди.

Самарқанд вилоятида Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан «Биз — буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди.

Жойларда шу йилнинг май-июнь ойларида бўлиб ўтадиган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига бағишланган турли семинар ва тадбирлар ўтказилмоқда.

"HURRIYAT" газетаси "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.

ҲАР ЧОКИДА ҚАЛБ ҚЎРИ БОР

Боқий қадриятлар

Президентимизнинг 2010 йил 30 мартдаги "Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб қувватлаш тўғрисида"ги фармони бадиий ҳунармандчилик анъаналарини асраб-авайлаш ва янада бойитишда муҳим омил бўлмоқда.

Ҳунармандлар сулоласининг тўртинчи авлоди Мадина Қосимбоева ўз касбининг етук устаси.

— Каштачиликка меҳрим баланд, — дейди Мадина. — Ҳунармандликнинг бу тури билан ўн саккиз йилдан буён шуғулланаман. Одатда, каштада гул, турли геометрик ва фазовий жисмлар, мева ва ҳайвонларнинг тасвирлари, кейинчалик инсон қиёфаси ва тарихий обидалар рангли иплар жилоси ёрдамида акс эттирилган. Мамлакатимизда халқ амалий санъатини равнақ топтириш борасида яратилган имкониятлар кўпроқ изланиш, қадимий анъаналарни тиклаш ҳамда ривожлантиришга бўлган иштиёқимни оширмоқда.

Мадина тиккан кашта, сўзаналар ва миллий либослар кўпчиликка манзур бўлаётир. У «Ташаббус — 2016» кўрик-танловининг Олмазор тумани босқичида "Йилнинг энг яхши ҳунарманди" номинацияси бўйича ғолиб бўлиб, Тошкент шаҳар, сўнгра мамлакат босқичига йўлланма олди. Кўрик-танловнинг мамлакат босқичида биринчи ўринни қўлга киритди.

М.Қосимбоева тиккан Тошкент палаклари, сўзана, чойшаб, дастурхон, ёстиқ жилдлари, чопон, аёллар кўйлаги, нимча, дўппи, пешонабанд намуналари нафақат мамлакатимизда, балки хорижий давлатларда ҳам яхши маълум. Ушбу маҳсулотлар АҚШ, Италия, Жанубий Корея, Россия, Озарбайжон, Қозоғистон каби давлатларда нуфузли кўргазмаларда намойиш этилган. АҚШда ўтказилган «Ўзбек халқ амалий санъати» кўргазмасида у яраттан миллий ҳунармандлик буюмлари барчага манзур бўлиб, фахрли ўринга сазовор бўлди. 2015 йилда ЮНЕСКО томонидан «Анъанавий ҳунармандлик бўйича» сифат белгиси сертификати билан тақдирланди. Унинг инглиз ва рус тилларини билиши меҳнат фаолиятида қўл келмоқда.

— Юртимизнинг кўплаб ҳунармандлари қатори халқаро кўргазмаларда иштирок этиб, каштачилик буюмларини намойиш қилмоқдаман, — дейди у. — Маҳсулотларимизни кўрган хорижликлар ҳайратидан қўнглим тоғдек кўтарилади, қалбим фахр-ифтихорга тўлади. Юртбошимиз раҳнамолигида хотин-қизларга кўрсатилаётган юксак эътибор опасингилларимиздаги эртанги кунга ишонч туйғусини мустаҳкамлаб, оилаларнинг аҳил, ҳаётимизнинг янада мазмунли ва гўзал бўлишига хизмат қилмоқда.

Гуллари ва чокининг нафислиги билан ажралиб турадиган кашталарни тикиш кишидан алоҳида зеҳн ва сабр-тоқат талаб қилади. Тайёрланаётган йигирмадан зиёд турдаги ҳунармандлик маҳсулотларининг ҳар бирига буюртмачининг талабига қараб безак берилади. Масалан, адрас кўйлакка қалампирнусха, анор гули, чиннигул ёки лола тасвирлари чокланса, хона жиҳозлари учун мўлжалланган кашталарга нодир нақшлар зарб қилинади.

Ипаклар жилоси муҳим аҳамият касб этишини назарда тутган уста рангларни танлашга алоҳида аҳамият қаратади. Анор пўсти, ёнғоқ, чинор, тут дарахтлари пўстлоғини қайнатиш йўли билан олинадиган бундай табиий рангларни ўзи тайёрлайди.

Мамлакатимизда «устоз — шогирд» анъанаси кенг йўлга қўйилган, турли ўқув марказлари ва маҳаллаларда моҳир устозлар томонидан ёшларга бадиий ҳунармандлик, халқ амалий санъати сирлари пухта ўргатилаётир. М.Қосимбоева ҳам икки юзга яқин ёшга каштачилик сирларини, жумладан, йигирмадан зиёд турдаги миллий либослар тикишни ўргатмоқда. Улардан саксон нафари коллеж битирувчисидир.

— Икки йилдан буён устозим Мадина опадан каштачилик сир-асрорларини ўрганиб келмоқдаман, — дейди Тошкент қурилиш ва миллий ҳунармандлик касб-ҳунар коллежи битирувчиси Мухлиса Холиқова. — Илк бор устозим билан бирга тиккан дастурхон мен учун жуда қадрли. Ҳозир XV-XVI асрларга доир Тошкент сўзаналарини тикиш сирларини ўрганмоқдамиз.

Миллий каштачилик услубида тикилган буюмлар юртимизда ва хорижда харидоргир.

Халқимизнинг энг қадимий санъат турларидан бири — каштачилик қўли гул чеварлар томонидан шакл ва бадиий жиҳатдан янада сайқалланиб, бугунги кунда ҳам миллий, ҳам замонавий кўриниш касб этмоқда. Мадина сингари иқтидорли, салоҳиятли, тиришқоқ ҳунармандлар эришаётган ютуқлар Президентимиз раҳнамолигида қадриятларимизни тиклаш, анъаналаримизни давом эттириш борасида амалга оширилаётган хайрли ишларнинг самарасидир.

Шаҳноза МАМАТУРОПОВА,
ЎзА мухбири
Ё.ШАМСИДДИНОВ (ЎзА) олган сурат

УЗОҒИМИЗ ЯҚИН БЎЛАЖАК

Ободлик

Бугун юртимизда йўл-коммуникация тизимида йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бу аҳолига қулайлик яратиши баробарида узоғини яқин қилаётир. Айниқса, замонавий кўприкларнинг барпо этилгани транспорт қатновига енгиллик бериш билан бирга шаҳарларимиз кўркига кўрк қўшмоқда.

Бу борада пойтахтимизда амалга оширилаётган ишлар ҳам эътирофга лойиқ. Жумладан, ўтган йиллар мобайнида Олмазор ва Шайхонтоҳур туманларини кесиб ўтган, Форобий, Қорасарой, Сағбон, Себзор ва Лабзак кўчаларини ўзаро туташтирган 5,1 километр узунликдаги Нурафшон кўчасининг қурилиши, Абдулла Қодирий ва Лабзак кўчалари ҳамда Себзор ва Абдулла Қодирий кўчалари кесишган чорраҳаларда янги кўприклар бунёд этилгани автоуловларнинг эмин-эркин ҳаракатланиши ва йўловчилар хавфсизлигининг таъминланишига омил бўлмоқда.

Бу каби бунёдкорлик ишлари бир он бўлса-да тўхтагани йўқ. Чунки йил сайин аҳоли сони ортиши билан бирга, транспрот қатнови ҳам ошиб бормоқда. Бу эса пойтахтимизда йўл тармоқларида зарур ўзгаришлар қилишни тақозо этаётир. "Тошкентбошплан ЛИТИ" давлат унитар корхонасининг маълумотларига кўра, пойтахтимизда автомобиль йўллари ва кўприклар қурилиши, айрим трамвай йўлларининг демонтаж қилиш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Хусусан, транспорт қатновини енгиллатиш мақсадида Нукус кўчаси Шота Руставели кўчасидан Бобур кўчасигача бир километрга узайтирилади. Шу билан бирга Беруний кўчасидан Шароф Рашидов кўчасигача, Нурафшон кўчасининг Беруний кўчасидан Оқтепа майдонигача бўлган қисми узайтирилиб, Тошкент шаҳрида янги ҳалқа йўли вужудга келиши режалаштирилган.

2

Ҳурматли муштарийлар,

2016 йилнинг келгуси ойлари учун "HURRIYAT" газетасига обуна ишлари давом этмоқда. Газетамизга обуна бўлолмаганлар эса уни савдо дўконларидан харид қилишлари мумкин. Ўқинг, баҳра олинг ва уни ҳамроҳларингизга ҳам ҳадя этинг. Бундан ташқари, "Hurriyat"да чоп этилган материаллар билан www.uzhurriyat.uz сайти орқали ҳам танишишингиз мумкин.

"HURRIYAT" ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ!

ТАДБИРКОР,
йўлингизда тўсиқ йўқми?

Фармон ва ижро

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда иқтисодиётни либераллаштириш, бошқарувнинг бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Президентимиз томонидан 2015 йил 15 майда имзоланган "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ҳам соҳада амалга оширилаётган ишларни янги босқичга олиб чиқди.

Фармон ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилда амалга оширилиши белгиланган 33 та аниқ чора-тадбирни қамраб олган комплекс дастур тасдиқланди. Ушбу ҳужжат тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашиш ва тўсқинлик қилиш, хусусий мулкдорлар ҳуқуқларини бузганлик учун давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахсларини жиноий жавобгарликка тортиш даражасигача ошириш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш кафолатини кучайтириш, тадбиркорлик фаолиятини тартибга соладиган маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш, ўз навбатида мулкдорлар синфи томонидан тайёрланган маҳаллий маҳсулотларни янги бозорларга олиб чиқиш ҳамда иш ўринларини яратишга хизмат қилмоқда.

Бироқ жойларда ҳанузгача лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳолатлари давом этиб келмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг топшириқ хатлари ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг январь ойида Қарши туман Бешкент телекоммуникациялар боғламасида 2015 йил июнь ва 2016 йилнинг ўтган даври мобайнида тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга техник шарт берилишининг аҳволи ўрганиб чиқилди. Ўрганиш жараёнида Қарши туман Бешкент телекоммуникациялар боғламаси ходимлари томонидан тадбиркорлик субъектларига техник шарт бериш юзасидан келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори талаблари бузилишига йўл қўйилганлиги аниқланди.

2

САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида 12 апрель куни Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Япония ва Япония – Ўзбекистон қўмиталарининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, сармоя, банкмолия, авиаташув, энергетика, нефть-газ, автомобилсозлик, транспорт ва транспорт коммуникациялари, кимё ва енгил саноат, таълим, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик, қишлоқ ва сув хўжалиги, ахборот технологиялари ва коммуникациялари, геология, тоғ-кон металлургияси, электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариш каби соҳаларда фаолият кўрсатаётган вазирлик ва идоралари, фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, қўмита ҳамраиси Рустам Азимов ва бошқалар Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳамкорлик барча йўналишда изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади. Икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар бунда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил февраль ойида Японияга расмий ташрифи, Япония Бош вазири Шиндзо Абэнинг 2015 йил октябрь ойида мамлакатимизга расмий ташрифи ўзаро муносабатларга янги суръат бағишлади.

Ўзбекистон – Япония иқтисодий муносабатлари савдо-иқтисодий ҳамкорлик, сармояларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантиришга оид битимлар каби кўплаб ҳужжатларга асосланади. Икки томонлама алоқаларни кенгайтиришда Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Япония ва Япония – Ўзбекистон қўмиталари муҳим ўрин тутади. Мазкур қўмиталарнинг навбатдаги қўшма мажлисида Японияннинг етакчи фирма ва компанияларидан вакиллар иштирок этгани Япония ишбилармон доираларининг Ўзбекистон сармоявий салоҳиятига қизиқиши ортиб бораётганидан далолатдир.

Ўзбекистон билан Япония ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми мунтазам ошмоқда. 2015 йилда бу кўрсаткич 253,4 миллион долларни ташкил этди. Ўзбекистонда Япония сармояси иштирокида тузилган ўндан зиёд қўшма корхона, ушбу мамлакатнинг 12 компанияси ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Улар транспорт, хизмат кўрсатиш, сайёҳлик, соғлиқни сақлаш, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, енгил саноат, экспорт-импорт операцияларини ўтказиш, сармоявий лойиҳалар доирасида асбоб-ускуналар етказиб бериш каби йўналишларда иш олиб боради.

Япония ҳукумати мамлакатимизда 1995 йилдан буён таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларни қамраб олган кичик ҳажмдаги ижтимоий лойиҳаларга беғараз ёрдам дастурини амалга ошириб келмоқда. Ўтган давр мобайнида мазкур дастур доирасида умумий қиймати 23 миллион 380 минг доллардан ортиқ 352 лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди. Айни пайтда таълим ва тиббиёт соҳасида 11 лойиҳа амалга оширилмоқда.

Мажлисда Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг "ўзбек модели" асосида мамлакатимиз иқтисодиётида изчил таркибий ўзгаришлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Иқтисодиётнинг барча тармоқларини ислоҳ қилиш, модернизациялаш ва диверсификациялаш, соҳада давлат иштирокини босқичма-босқич камайтириш, хусусий мулкнинг улушини ошириш, акциядорлик жамиятларига хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар юксак самаралар бераётгани қайд этилди.

Савдо-иқтисодий, сармоявий, молиявий-техникавий соҳаларда ҳамкорликни янада ривожлантириш, хусусийлаштириш соҳасида қўшма лойиҳалар амалга ошириш катта истиқболга эга экани таъкидланди. Мамлакатимизда фаол иш юритаётган Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги, "Mitsubishi Corporation", "Marubeni Corporation", "Toyota Tsusho Corporation" каби ташкилот ва компаниялар ҳамкорлигида олиб борилаётган ишлар ҳақида сўз юритилди. Янги қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга келишиб олинди.

– Жаҳонда ҳануз давом этаётган молиявий-иқтисодий инқирозга қарамай, Ўзбекистон юқори иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига эришаётгани эътиборга молик, – деди "Mitsubishi Corporation" корпорацияси катта ижрочи вице-президенти, қўмита ҳамраиси Хидето Накахара. – Зеро, мамлакатингиз иқтисодиётининг барқарор ривож топаётгани Ўзбекистон танлаган тараққиёт моделининг самарали эканлигини исботлади. Ушбу тадбир Ўзбекистон билан Япония ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, қўшма бизнес лойиҳаларини ҳаётга изчил жорий этишга хизмат қилади.

Анжуманда мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва уни ривожлантириш истиқболлари, Япония компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этиш, қўшма корхоналарни қўпайтириш, биргаликда ўзаро фойдали лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш масалалари муҳокама қилинди. Ўзбекистон индустриал зоналарида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди. Япония компанияларининг мамлакатимиздаги сармоявий лойиҳаларда иштироки, нефть-газ, банк-молия, кимё саноати, юқори технологиялар, автомобилсозлик ва тўқимачилик соҳаларидаги ҳамкорлик истиқболларига бағишланган маърузалар тингланди.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎзА мухбири

ТАДБИРКОР,
йўлингизда тўсиқ йўқми?

Бошланиши 1-бетда

Жумладан, 2016 йилнинг 1 январидан бошлаб тадбиркорлик субъектларига "Ягона дарча" тамойили асосида давлат хизматларини кўрсатувчи марказлар томонидан тадбиркорлик субъектларини газ, электр, сув, телефон тармоқларига улаш, алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш, бинонинг ташқи кўринишини ўзгартириш ва реконструкция қилиш, ташқи рекламаларни жойлаштиришга рухсатномалар бериш ҳамда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва бошқа хизматларни амалга ошириш белгиланган. Шунга қарамасдан, Бешкент телекоммуникациялар боғламаси ходими З.Ачилов томонидан Н.Ҳазратқулованинг "Сутни қайта ишлаш цехи биноси"ни қуриш учун техник шарт беришни сўраб, 2016 йил 14 январдаги мурожаати тўғридан-тўғри қабул қилиниб, 2016 йил 14 январда 99-сонли техник шарт берилган.

Ваҳоланки, юқорида қайд этилган қарор талабларига кўра, Н.Ҳазратқулованинг аризаси тадбиркорлик субъектларига "Ягона дарча" тамойили асосида давлат хизматларини кўрсатувчи ягона марказ орқали расмийлаштирилиши лозим эди.

Бу каби қонунбузилиш ҳолатлари З.Ачилов томонидан тадбиркор А.Камоловнинг "Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси" биносини қуриш учун, тадбиркор Ш.Ибодованинг "Дорихона ва тиш даволаш шифохонаси" биноси қуриш учун, тадбиркор М.Маманазаровнинг "Савдо мажмуаси" биноси қуриш учун, тадбиркор А.Ҳошимовнинг "Маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси" биноси қуриш учун техник шарт беришни сўраб ёзган мурожаатларини кўриб чиқишда ҳам такрорланган.

Шунга кўра, ўтказилган ўрганиш жараёнида вилоят адлия бошқармаси ходимлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилиб, тўпланган ҳужжатлар ваколат доирасида кўриб чиқиш учун жиноят ишлари бўйича Қарши туман судига юборилди. Суднинг 2016 йил 1 мартдаги қарорига асосан Бешкент телекоммуникациялар боғламаси ходими З.Ачилов айбдор деб топилиб, МЖтКнинг 33-моддаси қўлланилиб, 260 480 сўм миқдорида маъмурий жаримага тортилди.

Бошқарма томонидан тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат органлари, назорат қилувчи идоралар томонидан тадбиркорларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувларни чеклаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда бюрократик тўсиқларга йўл қўймаслик юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, улар ижроси бўйича зарур ишлар амалга оширилмоқда.

Сафар ТОҒАЕВ,
Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

УЗОҒИМИЗ ЯҚИН БЎЛАЖАК

Бошланиши 1-бетда

Шу билан бирга шаҳарнинг марказий кўчаларидаги тирбандликларнинг олдини олиш мақсадида Тараққиёт кўчаси узайтирилиб, Паркент кўчасидаги катта ҳаракат оқимидан келиб чиқиб, Олтинтепа кўчасидан Катта ҳалқа йўлигача реконструкция қилинади.

Пойтахтимиз транспорт қатновида трамвайлар ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Бу қатнов турида ҳам қатор ўзгаришлар кутилмоқда. Шаҳарнинг Муқимий, Самарқанд дарвоза, Меҳржон — Сайҳун, Темирйўлчилар, Кичик ҳалқа йўли, Белтепа, Шифокорлар, Катта ҳалқа йўли, Фарҳод — Тўқимачи, Маннон Уйғур — Бешёғоч, Лутфий, Каттахирмонтепа, Қамарнисо, Форобий, Оҳангарон йўли, Қорасув, Фарғона йўли, Янги Қўйлиқ, Қушбеги ва Бунёдкор кўчалари бўйлаб ўтган жами 87,8 километр узунликдаги трамвай йўлини демонтаж қилиш режалаштирилган.

Айни пайтда пойтахтимизда олтита трамвай йўналиши мавжуд. Бу шаҳардаги транспорт хизматининг атиги 3 фоизга яқин қисмини ташкил этади. Трамвай йўлларининг олиб ташланиши энг аввало, йўловчи ва ҳайдовчилар, аҳоли хавфсизлиги, автомобиллар оқимини бир маромга солиш учун амалга оширилади.

Башарти, трамвай йўналишлари қисқарар экан, унинг ўрнига қандай транспорт ҳаракатланади? Бу масалани инобатга олган ҳолда айнан шу йўналишда «Т» белгиси қўйилган автобуслар бир ой олдин параллел йўналишда ҳаракатлана бошлайди. Трамвай йўлларининг ўрнига мавжуд йўллар кенгайтирилиб, замонавий ва қулай йўлларга айлантирилади. Бошқа бир қисмида эса, ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, яшил ҳудудлар ташкил этилади. Бу пойтахтимиз чиройига янада чирой қўшиши тайин.

Муҳаммадали МАМАДАЛИЕВ

МАРРАНИ ЮКСАК ОЛАЁТГАН ЁШЛАР

Олис манзиллардан дараклар

Айни кунда ёшларнинг таълим-тарбияси, уларнинг комил инсонлар бўлиб етишишига давлатимиз ва жамиятимиз томонидан катта аҳамият қаратилмоқда. Айниқса, уларнинг касб-ҳунарларни ўрганишига берилаётган эътиборни кўриб бугунги ёшларга чиндан-да ҳаваси келади кишининг.

Истиқлол йилларида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар, умуммиллий дастурлар эндиликда ўзининг самарали натижаларини бераётир.

Мамлакатимизда 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик умуммажбурий бепул таълим тизимининг жорий этилиши пировардида, умумтаълим мактабидаги 9 йиллик ўқишдан сўнг ўқувчилар уч йил давомида ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежлари ёки академик лицейларда таҳсил олиш имкониятига эга бўлдилар. Таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилиш, таълим муассасаларини замон талабларига мос равишда таъмирлаб, жиҳозлаб бориш, уларнинг моддий-техник таъминотини яхшилаш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш каби масалалар давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Зотан, олдимиздаги юксак эзгу мақсадимиз — мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам, авваламбор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимизнинг қандай инсонлар бўлиб вояга етишлари билан боғлиқ.

Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Республика Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида жорий йилда олий ўқув юртлари, лицей ва коллежларнинг 510 мингдан ортиқ битирувчиларини иш билан таъминлаш лозимлигига алоҳида аҳамият қаратилди. Шунингдек, Юртбошимиз ҳар йили касб-ҳунар коллежлари ва лицейларга қабул режасини ишлаб чиқишда 3-4 йилдан сўнг туман, шаҳар ёки вилоят ҳудудида қандай янги объектлар ишга туширилиши, уларда меҳнат қилиш учун қандай мутахассислар кераклигини ҳисобга олиш ва шу асосда қабул режасига тегишли ўзгартиришлар киритишнинг ғоятда муҳимлигини таъкидлаб ўтди.

Дарҳақиқат, илм-ҳунар соҳиби бўлган ҳар бир йигит-қиз эртага жамиятимиз тараққиётига ўз муносиб ҳиссасини қўшишига аминмиз. Яқинда Сурхондарё вилоятида бўлиб, касб-ҳунар коллежлари фаолияти билан танишганимизда бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.

— Ҳамма жойда бўлгани каби Сурхондарё вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида ҳам ёшларни турли касб-ҳунар эгалари қилиб тайёрлаш асосий вазифа ҳисобланади, — дейди вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Абдушукуров. — 2015 йилда вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълимида амалга оширилган ишларни қисқача таҳлил қиладиган бўлсак, йил давомида 2197 нафар педагог ходимнинг малакаси оширилди. Тизимда ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг инновацион таълим технологияларини амалиётга жорий этишни такомиллаштириш ва педагог ходимларнинг касбий лаёқатини ошириш бўйича тўпланган илғор тажрибаларни ўрганиш, оммалаштириш мақсадида «Инновацион таълим технологияларини амалиётга жорий этишни такомиллаштириш» мавзусида махсус фан ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталари учун 3 босқичли тренинглар ўтказилмоқда. Жумладан, таълим муассасаларидаги педагоглар ва ишлаб чиқариш таълими усталарини жалб қилган ҳолда жорий йилнинг март ойи ва апрелнинг дастлабки ўн кунида мазкур тренинглар якунига етказилди.

Б.Абдушукуровнинг таъкидлашича, умумтаълим мактаблари 9-синф битирувчилари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ва аввалги йиллар битирувчиларини касбга ёки аниқ иш жойига йўналтириш, ўқишини давом эттириши ва иш билан таъминланишига кўмаклашиш мақсадида соҳага дахлдор ташкилот ва муассасалар ҳамкорлигида март ойида Термиз шаҳри ва туманларда «Таълим ва мутахассислик» кўргазмалари ташкил этилди.

Айни пайтда битирувчиларнинг бандлиги таҳлил қилинганда 42104 нафар коллеж битирувчиси иқтисодиёт тармоқларидаги 20 мингга яқин корхона ва ташкилотларга бириктирилиб, уларнинг амалиёти ташкил этилди. Жорий ўқув йилида вилоятдаги 116 та касб-ҳунар коллежини 42 минг 104 нафар ўқувчи битириши кутилмоқда. Жумладан, таълим йўналишида 4066 нафар, гуманитар ва санъат йўналишида 367 нафар, ижтимоий фанлар, бизнес ва ҳуқуқ йўналишида 8888 нафар, муҳандислик, ишлов бериш ва қурилиш тармоқлари йўналишида 19780 нафар, қишлоқ ва сув хўжалиги йўналишида 5825 нафар, соғлиқни сақаш ва ижтимоий таъминот йўналишида 1420 нафар, хизматлар йўналишида 1758 нафари ташкил этади.

Коллеж битирувчиларини эгаллаган касблари бўйича ишга жойлаштиришни назарда тутган ҳолда, улар ишлаб чиқариш амалиётини ўташ учун корхона ва ташкилотларга бириктирилди. Натижада бугунга қадар касб-ҳунар коллежларининг 42 минг 104 нафар битирувчисидан 38 минг 718 нафари (92,0 фоиз) билан тўрт томонлама шартномалар имзоланди. Бундан ташқари, жорий йилда ўз тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган битирувчиларга 15 миллиард 153 миллион сўм миқдорида кредит бериш кўзда тутилаётир.

Тизимдаги 27 та касб-ҳунар коллежи Жанубий Кореянинг 11 та, Польшанинг 5 та, Японияннинг 4 та, Германиянинг 3 та, ОТБ (Осиё тараққиёт банки)нинг 4 та лойиҳаси асосида, 61 та касб-ҳунар коллежи давлат бюджети ҳисобидан (тикувчилик, чилангарлик, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги маиший ва жиҳозларини таъмирлаш техник-механиги, дурадгор, ёғочга ишлов бериш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, нон, макарон ва қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш техники ва ҳоказо) устахоналари тўлиқ жиҳозланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига кўра, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида 65 та ахборот-ресурс маркази, 56 та кутубхона мавжуд бўлиб, шундан 97 та ахборот-ресурс маркази ва кутубхоналар компьютер техникалари билан жиҳозланган.

Ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, фарзандларимизни миллий менталитетимизга ёт ва зарарли иллатлар таъсиридан ҳимоя қилиш, мустақил фикрлайдиган, баркамол инсонлар этиб тарбиялаш юзасидан ижобий натижаларга эришилди. Хусусан, ўтган йилда 4-сонли Сариосиё академик лицейи ўқувчиси Манзура Сайфиддинова Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди. Жорий йилда эса ушбу мукофот 2-сонли Термиз академик лицейи ўқувчиси Комила Шоимовага насиб этди.

Вилоят ёшлари спортнинг кўплаб соҳаларида сезиларли ютуқларни қўлга киритаётгани эса қишлоқ жойларда спорт ва жисмоний тарбияга берилаётган эътиборнинг самараси десак асло хато бўлмайди. Бинобарин, Термиз ахборот технологиялари ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежи «Алпомиш авлодлари» жамоасининг «Ёш чегарачилар» ҳарбий спорт мусобақаси республика босқичида биринчи ўринни эгаллагани ёки енгил атлетика бўйича Термиз олимпия захиралари коллежи ўқувчиси Маъруф Муродуллаевнинг Тунисда бўлиб ўтган халқаро мусобақада ғолиб чиққани фикримизнинг исботи бўла олади.

Ўтган йил ноябрда Россия федерациясида қўл жанги бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида Термиз ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежининг ўқувчиси Шаҳбоз Азизов 60 килограмм вазн тоифасида жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди. «Камолот кубоги» учун ўтказилган футбол мусобақасининг республика босқичида Термиз Янгиариқ қишлоқ хўжалиги коллежи жамоаси 2 ўринга лойиқ топилди. Юқоридаги ютуқлар бу йил янада мустаҳкамланмоқда. Хусусан, шу йил 27-28 февралда Тошкентда ўтказилган каратэ бўйича ўсмирлар, ёшлар ва катталар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатида вилоят академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари 5 та олтин, 5 та кумуш ва 2 та бронза медали билан тақдирланди.

Ўзбекистондаги Британия Кенгаши ташаббуси билан ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқитувчилари ва ўқувчилари ўртасида 25-26 февралда Тошкент шаҳрида ўтказилган «Энг яхши инновацион ғоялар» республика танловида вилоят жамоаси «Энг фаол иштирокчи» ва «Энг яхши тақдимот» йўналишларида ғолибликни қўлга киритгани ҳам таҳсинга лойиқ, албатта. Жорий йилнинг 22 мартида Денов қурилиш ва транспорт касб-ҳунар коллежида қурилиш-пардозлаш ишлари устаси касби бўйича «Касб маҳорати» танловининг ҳудудий босқичи ўтказилди. Унда Сурхондарё вилоятидан 4 нафар ва Қашқадарё вилоятидан 6 нафар ўқувчи иштирок этди. Танлов якунига кўра, Денов қурилиш ва транспорт касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Ҳ.Пардаев, Қизириқ қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Ҳ.Ўроқов ҳамда Қашқадарё вилояти Чироқчи Янги ҳаёт агросаноат касб-ҳунар коллежи ўқувчиси С.Жўраев, Ғузор қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежи ўқувчиси А.Йўлдошевлар танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

«Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!» шиори остида Наманган вилоятида ўтказилган «Ишбилармон талаба» стипендияси учун республика кўрик-танловида Жарқўрғон академик лицейи ўқувчиси Маъмура Шаринованинг биринчи ўринни эгаллагани ҳам олқишга сазовор.

Навоий шаҳрида ўтказилган «Барҳаёт анъаналар» фольклор кўрик- танловининг республика босқичида 2-сон Термиз академик лицейи жамоаси 3 ўринни эгаллади. Амалга оширилган мана шундай эзгу ишлар самараси ўлароқ, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида илк маротаба Тошкент шаҳрида ўтказилган «Қувноқлар ва зукколар» кўрик-танлови якуний босқичида Термиз олимпия захиралари коллежининг «Шум болалар» жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди.

Албатта, вилоят коллежлари ўқувчиларининг бундай ютуқ ва муваффақиятлари борасида яна кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Бугунги ёшларнинг интилишларида ота-оналарнинг, эл-юртнинг орзу-умидлари мужассам. Энг муҳими, юксак марраларга интилаётган ёшларнинг шижоати ва дадиллиги ҳаммамизнинг дилимизга қувонч ва ғурур бағишлайди.

Абдумажид АЗИМОВ

ИСТЕЪМОЛ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси раиси Жаҳонгир САРИМСОҚОВ билан суҳбат

Амалиёт

– Жаҳонгир Тошпўлатович, яқинда Халқаро истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш куни мамлакатимизда ҳам нишонланди. Сиз раҳбарлик қилаётган федерация нодавлат нотижорат ташкилоти сифатида истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун қандай ишларни амалга оширмоқда?

– Дарҳақиқат, 15 март куни Халқаро истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш куни бутун дунёда "Антибиотикларсиз таомнома" шиори остида нишонланди. 120 та мамлакатнинг 240 дан ошиқ истеъмолчилар ташкилотларини бирлаштирган Халқаро истеъмолчилар ташкилоти – Consumers International истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга оид долзарб муаммоларга жаҳон жамоатчилиги эътиборини қаратиш мақсадида ҳар йили шунга ўхшаш бирор шиорни ўртага ташлайди.

Истеъмолчилар ҳуқуқлари инсон ҳуқуқларининг ажралмас қисми экани ҳеч кимга сир эмас. Мамлакатимизда ҳам мустақилликнинг дастлабки йилларидан бери ушбу масалага жиддий эътибор қаратилиб келинмоқда. Бунга 1996 йили қабул қилинган "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунни мисол қилиб келтириш мумкин. Ушбу қонунда истеъмолчилар ҳуқуқларини давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари билан бир қаторда жамоат бирлашмалари ёки нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) ҳам ҳимоя қилиши белгилаб қўйилган.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси нодавлат нотижорат ташкилоти сифатида мамлакатимизда ривожланиб бораётган бозор муносабатлари шароитида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда тегишли давлат идораларига яқиндан ёрдам бера оладиган, ишлаб чиқариш ва сервис соҳасида фаолият юритаётган ташкилотларнинг истеъмолчилар олдидаги бурчи ва масъулиятини оширишга таъсир кўрсата оладиган яхлит бир тизимга айланди.

Ўзбекистон Республикасининг "Ижтимоий шериклик тўғрисида", "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунлари асосида Федерация ва унинг қуйи тузилмаларининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ҳамда фаолият самарадорлигини ошириш, мамлакатимиздаги истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги амалдаги қонун ва қонуности меъёрий ҳужжатларини кенг тарғиб қилишда давлат бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек, ўзини-ўзи бошқариш ва назорат қилувчи идоралар билан ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатмоқда.

– Мамлакатимизда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қандай ҳуқуқий база яратилган? Уларни такомиллаштириб бориш борасида федерация мамлакат парламенти билан йўлга қўйилган ҳамкорлик ҳақида гапирсангиз.

– ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларини ташкил этиш ва фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида мамлакатимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда ва ушбу ташкилотлар демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир.

1996 йили номи зикр этилган қонуннинг қабул қилингани истеъмолчиларнинг асосий ҳуқуқларини ва уларни ҳимоя қилишнинг аниқ механизмларини белгилаб бериши баробарида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳам давлат идоралари, ҳам нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳимоя қилишини кафолатлади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрда қабул қилинган "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ташкил этилди.

Айни пайтда истеъмолчилар ҳамда уларга савдо-сотиқ ва бошқа хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасидаги муносабатлар 40 дан ортиқ қонун, 70 дан ортиқ ҳукумат қарори ва бошқа меъёрий ҳужжат билан тартибга солинади.

Федерация истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ишчан механизмларини яратиш, уларнинг ҳуқуқий билим ва истеъмол маданиятини ошириш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси қўмиталари билан яқин ҳамкорликда фаолият олиб бормоқда. Хусусан, федерация масъул ходимлари қабул қилинаётган қонун лойиҳаларининг қўмита, фракцияларда ўтказиладиган дастлабки муҳокамаларида, шунингдек, қонун лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказишга бағишланган турли конференцияларида фаол иштирок этмоқда.

Масалан, 2015 йил 13 ноябрь куни Фарғона шаҳрида Саноат, қурилиш, савдо масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда ва манфаатдор ташкилотлар вакиллари иштирокида "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги қонунчиликни такомиллаштиришнинг муҳим жиҳатлари" мавзусида миллий конференция ўтказилди. Ўйлаймизки, бу каби анжуманларда билдирилган фикр ва мулоҳазалар мамлакатимиз парламенти томонидан тайёрланадиган соҳага оид ҳужжатларда янада мустаҳкамланади.

– Истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ёки шу соҳага ихтисослашган нодавлат ташкилотларинингина вазифаси эмаслиги аён. Сизнингча, ушбу масалада жамоатчиликнинг иштироки қандай бўлмоғи лозим?

– Жамоатчилик назорати деган тушунча кеча ёки бугун пайдо бўлган эмас. Халқимиз азал-азалдан ҳаётининг муҳим жиҳатларига дахлдор масалаларни ечишда ҳар доим маслаҳатлашиб, кенгашиб иш тутган. Ҳар йили йилбоши ўтказиб, қишлоқ ёки маҳалла кўпни кўрган ва обрўли кишилар орасидан оқсоқол, мироб ва бошқа касб эгаларини сайлаган ёки тайинлаган. Айни пайтга келиб эса ушбу анъаналар қабул қилинаётган қонунларда ҳам ўз аксини топмоқда. Давлат ижро органлари фаолияти, ишлаб чиқарилаётган товарлар ва аҳолига кўрсатилаётган хизматлар устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишнинг ҳуқуқий механизми шакллантирилди. "Жамоатчилик назорати" иборасининг 80 дан ортиқ қонун ва меъёрий ҳужжатлар, жумладан, "Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги, "Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолати тўғрисида"ги, "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунлардан жой олгани фикримиз далилидир.

Жамоатчилик назоратидан кўзланган асосий мақсад фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, ижро органлари мансабдор шахсларининг хизмат ваколатларини суиистеъмол қилмаслиги, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари қабул қилаётган қарорлар ва улар ижроси ошкоралигини таъминлашдан иборатдир.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси зиммасига эса товар ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш юкланган. Бунинг учун тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлик дастурлари ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Ҳар бир ташкилотнинг иш самарадорлигини аниқлашда жамоатчилик фикрини сўраб билиш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда федерация таркибига кирувчи ҳудудий бирлашмалар ва истеъмолчилар жамиятлари аҳоли ўртасида ижтимоий сўровлар ўтказмоқда. Улар ёрдамида истеъмолчиларнинг муайян йўналишдаги фикр-мулоҳазалари ўрганилиб, умумлаштирилиб, маҳаллий ҳокимият органлари, тегишли вазирлик ва идораларга тақдим этилмоқда ҳамда сўровномалар орқали ўрганилган муаммоларни маҳаллий ҳокимият ва тегишли давлат органлари бартараф этмоқда. Буни бемалол жамоатчилик назоратини ташкил этишнинг, у ёки масалани ҳал этишда жамоатчилик иштирокининг аниқ механизми деб аташ мумкин.

– Федерация истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида айнан қайси соҳаларга эътибор қаратади?

– Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддаси ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқини кафолатлайди.

Айнан шу конституцион меъёрдан келиб чиқиб, федерация истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида қуйидаги йўналишларда иш олиб бормоқда: савдо ва умумий овқатланиш, тиббий хизмат, уй-жой коммунал хизматлари, алоқа ва коммуникация, транспорт ва хизмат кўрсатиш соҳаси. Ушбу соҳаларда истеъмолчилардан келиб тушаётган ариза, мурожаат ва шикоятлар ижобий ечим топиши, яъни истеъмолчиларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Фуқароларнинг ариза, мурожаат ва шикоятлари ёзма равишда берилганда уларнинг почта орқали етиб келиши ва уларни кўриб чиқиб, кўтарилган муаммо(лар)ни ҳал этиш анча вақт олиши ҳеч кимга сир эмас. Мурожаатларни қабул қилишни самарали ташкил этиш ва муаммоларни тезкорлик билан ҳал этиш мақсадида, 2015 йили Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда федерация ҳузурида 1091 қисқа рақамли "ишонч телефони" ишга туширилди. Мазкур ишонч телефони орқали фуқароларнинг мурожаатлари тегишли тартибда қабул қилиниб, ижро учун ҳудудий бирлашмалар ва тегишли назорат органларига юборилмоқда. Шу тариқа истеъмолчи бўлмиш жисмоний шахсларга, амалдаги қонунчиликка асосан, ваколат доирасида тушунтириш ва маслаҳатлар бериб борилмоқда.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси фаолият юритадиган йўналишлар:

- **савдо ва умумий овқатланиш;**
- **тиббий хизмат;**
- **уй-жой коммунал хизматлар;**
- **алоқа ва коммуникация;**
- **транспорт;**
- **хизмат кўрсатиш соҳаси.**

Шунингдек, федерация ва унинг барча қуйи тузилмаларида ишонч телефонлари ишлаб турибди, яна фуқароларнинг ариза ва шикоятлари электрон (онлайн) тарзда ҳам қабул қилинмоқда.

Масалан, 2015 йилда федерация ва унинг қуйи тузилмаларига истеъмолчилардан жами 7501 та (5116 та (68,2 фоиз) ёзма, 2385 та (31,8 фоиз) оғзаки, ишонч телефони ва интернет (онлайн) орқали ариза (таклиф ва шикоят) келиб тушди.

Мазкур ариза ва шикоятларнинг 6932 таси, яъни 92,4 фоизи ижобий ҳал этилиши натижасида жами 3 миллиард сўмга яқин етказилган зарар истеъмолчилар фойдасига қайта ҳисоб-китоб қилиб берилди.

Бундан ташқари, федерация фуқаролар мурожаатлари билан ишлашда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали келиб тушган ариза ва шикоятларни кўриб чиқишда ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Федерация ва унинг ҳудудий бирлашмалари улар ижросини таъминлаб беряпти.

– Кейинги пайтларда истеъмол маданияти деган ибора тез-тез тилга олина бошлади...

– Истеъмол маданияти ҳақида гапиришдан олдин ҳуқуқий маданият нима экани хусусида бир-икки оғиз сўз юритиш керак бўлади. Чунки тамаддуннинг қарор топиши мукаммал, юксак талабларга жавоб берадиган қонунлар қабул қилиш билангина эмас, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти, яъни ўша қонунларга онгли тарзда итоат этиши билан ҳам боғлиқдир.

Президентимиз таъкидлаганидек, "Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқдир. Юксак ҳуқуқий маданият - демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичидир".

Энди ҳуқуқий маданиятнинг бир қисми бўлган "истеъмол маданияти" тушунчасига келсак, бола эсини таниганидан бошлаб шакллантириб борилиши керак, чунки ҳаёт давомида у билан қайта-қайта тўқнаш келаверамиз.

Истеъмол маданиятини капитализм даврида қарор топган молиявий фаровонликка интилиш, керак-нокерак моддий бойликларни тинмай тўплаб бориш деб эмас, ҳар бир истеъмолчининг ўз эҳтиёжларини оқилона қондириши деб тушуниш лозим бўлади. Шу маънода у кеча ёки бугун пайдо бўлган эмас. Ота-боболаримиз азал-азалдан ушбу тушунчани фарзандлари онгига "Нонни исроф қилма, увол қилма", "Иззат тиласанг — кўп дема, сиҳат тиласанг – кўп ема", "Беш панжангни оғзингга тиқма" сингари мақолу маталлар билан сингдириб келган.

Лекин шуни ҳам қайд этиш лозимки, истеъмол маданияти бундай сермаъно мақолларни такрорлайверган билан пайдо бўлиб қолмайди. Ҳар бир жамият уни шакллантиришнинг амалий механизмини яратиши лозим. Мамлакатимизда ана шундай механизм яратилгани ва у янги давр талаби асосида такомиллаштириб борилаётгани қувонарли ҳолдир.

Федерациянинг ишонч телефони: 1091

Бу ишда жамиятнинг ҳар бир ижтимоий институти: оила, мактаб, маҳалла, ОАВ, қоларверса, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган ННТ ҳам фаол иштирок этмоғи лозим. Сабаби, ички бозорга чиқаётган товарлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг сифати кўп жиҳатдан улар қай даражада назорат қилиниши ва бу жараёнда жамоатчилик фаол иштирок этишига ҳам бевосита боғлиқ.

– Истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш кўп жиҳатдан уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, шу соҳада қабул қилинаётган қонун ва қонуности ҳужжатлари тарғиботи билан ҳам боғлиқ. Федерациянинг бу борадаги фаолиятига ҳам тўхталиб ўтсангиз...

– Истеъмолчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, қабул қилинаётган қонунларни тарғиб қилиш федерация ва қуйи тузилмаларининг асосий фаолият турларидан бири ҳисобланади. Масалан, 2015 йилда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ижтимоий шериклик, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатига оид қонунлар, шунингдек, пластик карточкалардан фойдаланиш, йўл ҳаракати хавфсизлиги сингари мавзуларда мамлакатимизнинг барча туман ва шаҳарларида минглаб ўқув семинарлари ва давра суҳбатлари ўтказилди.

Шунингдек, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълими вазирликлари билан ҳамкорликда талаба ва ўқувчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга оид қўшма чора-тадбирлар дастурлари ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Ушбу дастурлар доирасида федерация ва унинг қуйи тизимлари мутахассислари мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларига бориб, "Ёшларнинг ҳуқуқий билим ва истеъмол маданиятини оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўрни ва роли", "Истеъмол маданияти ва ёшлар" сингари кўплаб мавзуларда суҳбатлар ташкил этмоқда ва уларга ҳақ-ҳуқуқларини таниб олиш, истеъмол маданиятини шакллантиришда кўмаклашмоқда.

Федерация ҳудудий бирлашмалари тарғибот ишларини амалга оширишнинг самарали усулларидан бири сифатида ҳар йили академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида "Энг иқтидорли ёш истеъмолчи", "Мен ёш истеъмолчиман" деб номланган кўрик-танловларни ташкил этиб келмоқда. Масалан, жорий йил бошида Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Фарғона вилояти ҳудудий бирлашмаси касб-ҳунар коллежлари ҳамда академик лицей ўқувчилари ўртасида "Мен ёш истеъмолчиман" мавзусида иншолар танловини ўтказди ва унда ғолиб чиққан ўқувчилар учун Тошкент шаҳрига саёҳат уюштирди. Ўқувчилар саёҳат давомида Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси фаолияти билан танишиш имконига ҳам эга бўлди.

2015 йилда федерация ва унинг қуйи тузилмаларига истеъмолчилардан жами 7501 та (5116 та (68,2 фоиз) ёзма, 2385 та (31,8 фоиз) оғзаки, ишонч телефони ва интернет (онлайн) орқали ариза (таклиф ва шикоят) келиб тушди.

Мазкур ариза ва шикоятларнинг 6932 таси, яъни 92,4 фоизи ижобий ҳал этилиши натижасида жами 3 миллиард сўмга яқин етказилган зарар истеъмолчилар фойдасига қайта ҳисоб-китоб қилиб берилди.

Бундай тадбир иштирокчилари ва ғолибларини рағбатлантириб бориш истеъмол маданияти ва ҳуқуқий саводхонликни ошириш борасидаги тарғибот ишларининг таъсирчан воситасидир.

– Федерация ва унинг қуйи тузилмалари қонунлар ва истеъмол маданияти тарғибот масаласида ОАВ билан қандай ҳамкорлик қиляпти?

– Федерация истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича амалдаги қонун ҳужжатларини кенг тарғиб қилиш, бу борада қандай фаолият юритаётганини мунтазам ёритиб бориш учун марказий, ҳудудий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари билан мустаҳкам ҳамкорлик алоқалари ўрнатган. Бунга Миллий телерадиокомпаниянинг бир қанча теле- ва радиоканаллари, "Узрепорт" нодавлат телеканали билан ҳамкорликни мисол қилиб келтириш мумкин. Уларда федерация ва қуйи тузилмалари фаолиятига оид хабарлар билан бирга "Истеъмолчиларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари", "Истеъмолчи ва харид маданияти" сингари мавзуларда репортажлар ҳам бериб борилмоқда.

Федерация мутахассислари "Ўзбекистон" телерадиоканалининг "Биз учун муҳим", "Бизнес старт", "Муносабат", "Тадбиркорлар телеклуби", "Бу ҳам муҳим", "Тошкент" телерадиоканалининг "Пойтахт-интервью", "Долзарб мавзу" кўрсатувларида мунтазам равишда иштирок этиб келмоқда ҳамда томошабинларга савдо қонун-қоидалари, истеъмолчиларнинг озиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари сотиб олиш, сервис хизматлари кўрсатиш жараёнида қандай ҳуқуқларга эга экани ҳақида маълумотлар бериб бормоқда.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "Тошкент" телерадиоканалида федерация ташаббуси билан "Сифат назорати" кўрсатуви ташкил этилди. Бундан кўзланган мақсад аҳолининг ҳуқуқий ва истеъмол маданиятини янада юксалтириш, юртимиздаги корхоналар ишлаб чиқараётган озиқ-овқат ҳамда ноозиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлиги, уларни харид қилиш тартиб-қоидалари борасида истеъмолчиларга зарур маълумотлар беришдир.

Бундан ташқари, бир қанча матбуот нашрларида ҳам истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган "Истеъмолчи ҳуқуқи", "Истеъмолчи алифбоси", "Сўраган эдингиз" рукнларида савдо-сотиқ, коммунал хизматлар, жамоат транспорти, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳалари, ичимлик суви, газ ва электр энергияси, маиший сервис хизматлари кўрсатиш бўйича туркум мақолалар чоп этилмоқда.

Шунингдек, www.istemol.uz вебсайтида мамлакатимиз ҳаёти, федерация ҳудудий тузилмалари фаолияти мунтазам ёритилиб келмоқда. Ушбу вебсайтнинг "Истеъмолчи минбари", "Мурожаат ва натижа" саҳифаларида истеъмолчилардан тушаётган мурожаатлар ва уларнинг ечимига оид маълумотлар жойлаштирилмоқда.

– Дунё тажрибасидан маълумки, истеъмолчилар ташкилотлари фаолиятини баҳолашда улар истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига оид қўлланмаю брошюралар чоп қилганига алоҳида эътибор қаратилади...

– Федерацияда "Истеъмолчи кутубхонаси" туркуми ташкил этилган бўлиб, шу пайтгача ўнлаб қўлланмаю брошюралар чоп қилинди ва истеъмолчиларга тарқатилди. Бунга турли йилларда чоп этилган "Тиббий хизматлар (Бепул ва пуллик хизматлар нима?)", "Товар ёрлиқлари ва штрихли кодлаш", "Савдо хизмати ва умумий овқатланиш соҳаларида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш", "Савдо хизмати ва умумий овқатланиш соҳаларида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш", "Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси устави, устав асосида фаолиятини ташкил этиш бўйича ички меъёрий ҳужжатлар (низом, тартиб ва йўриқномалар) сингари қўлланмаю брошюраларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги "Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган комплекс чора-тадбирлар дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида эса "Банк пластик карточкалари замонавий, қулай ва ишончли тўлов воситаси" мавзуидаги плакат федерация ҳузуридаги истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ижтимоий ҳаракатини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 7000 нусхада чоп эттирилди ва ҳудудий бирлашмаларга етказиб берилди.

Федерациянинг Хоразм, Фарғона, Андижон, Жиззах, Навоий, Самарқанд, Тошкент вилоят ҳудудий бирлашмалари коммунал, газ таъминоти, электр энергияси, соғлиқни сақлаш, дори воситалари, чакана савдо қоидалари, меҳмонхона, почта ва телефон алоқаси, жамоат транспорти, темир йўл ва ҳаво транспорти, маиший хизмат соҳаларида кўрсатиладиган хизматларда истеъмолчиларнинг ҳуқуқий ва истеъмол маданиятини оширишга қаратилган турли тарғибот воситалари тайёрланмоқда ва улардан ташкил этилаётган маърифий тадбирлар таъсирчанлигини янада оширишда фойдаланилмоқда.

– Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида дунёнинг етакчи мамлакатлари билан тажриба алмашиш ҳақида ҳам фикрингизни билишни истардик?

– Федерация хорижий мамлакатларнинг миллий ва ҳудудий истеъмолчилар ташкилотлари билан ҳам алоқалар жуғрофиясини кенгайтириб ва ривожлантириб бормоқда.

Ўтган йиллар мобайнида Ҳиндистон истеъмолчилар уюшмаси, Вьетнам истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ва Корея Республикаси истеъмолчилар агентлиги, Хитойнинг Шанҳай истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш комиссияси, Малайзиянинг "Стандарт Малайзия", "SIRIM" ва "HALAL" компаниялари билан илк бор ҳамкорлик ишлари бошланган бўлса, бугунги кунда Франциянинг Париж шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти, Германиянинг Гессен вилояти (Франкфурт) истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти билан ўзаро алоқалар йўлга қўйилди. Шунингдек, федерация экспертлари Германия Халқаро ҳамкорлик агентлиги – GIZ Ўзбекистонда амалга ошираётган молиявий саводхонлик ва коммуникация бўйича лойиҳасида иштирок этмоқда.

Бундай ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришдан мақсад тажриба алмашиш, қолаверса, хорижий мамлакатларда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида орттирган илғор тажрибани ўрганиш ва уларни кундалик иш фаолиятимизга татбиқ қилиб боришдир.

Ризвоной НИЗОМОВА,
«Hurriyat» учун махсус тайёрлади.

ГУЛИСТОН МАСКАН

Обод гўшалар

Гулистон шаҳрида бир ажойиб маскан бор. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Сирдарё вилоят филиали хиёбонида бўлган кишининг дили яйрайди, кўзи қувонади, руҳи кўтарилади.

Хиёбоннинг ўртасида улуғ мутафаккир Абу Али ибн Сино ҳайкали қад кўтарган. Атрофи боғ-роғ, гулзор эканида рамзий маъно бордек, назаримизда. Ўз даврида бу улуғ бобокалонимиз ҳам атрофида илму маърифат бўстонини бунёд этган эди.

Ўзимиз яшайдиган уй-жой, маҳаллаларимизни нафақат асраб-авайлаш, шу билан бирга уларни обод ва кўркам қилиш ҳам ҳар биримизнинг юрт олдидаги бурчимиздир. Чунончи, иш жойларимиз ҳам меҳр ва эътибор туфайли саранжом-саришта, файзли гўшага айланиши шубҳасиз. Шу маънода мазкур даргоҳда ободонлаштириш ишларига ҳамиша масъулият билан ёндашилади, десак муболаға бўлмайди. Ўктам Исантурдиев раҳбарлигидаги муассаса ходимлари хиёбонни мафтункор гўшага айлантиришда катта ҳиссасини қўшиб келмоқда.

— Саховатпеша шифокорлар томонидан экилган мевали дарахтлар ҳосил бера бошлаганига анча йил бўлди, — дейди Ўктам Исантурдиев, — Шифохонамизда мингдан ортиқ ходим ишлайди. Кунимизни ободонлаштириш ишлари билан бошлаймиз. Қарангки, эрта тонгдан бошлаган бу ишимиз кейинги меҳнат жараёнимизга ижобий таъсир қилади.

Маматқул БОЗОРБОЕВ
Гулистон шаҳри

ОНА ДИЁРИМИЗ — хорижлик журналистлар нигоҳида

Ҳамкорлик

Бугун ҳар бир соҳа ходими учун дунё эшиклари кенг очиқ. Хорижда малака ошириш дейсизми, чет эллик ҳамкасблар билан тажриба алмашишми, имконият етарли. Азалдан бобокалонларимиз ҳам Буюк Ипак йўли орқали қатор давлатлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳадисини олган. Мамлакатимиз мустақиллиги шарофати билан ҳозирги кунда бундай имкониятлар кўлами янада кенгайди. Биргина яқин ҳамкоримиз — Хитой халқ республикаси билан ўзаро манфаатли алоқаларимиз мустаҳкамланиб бораётгани бунга мисол бўла олади. Бундай муносабатлар журналистлар ўртасида ҳам ўрнатилаётгани ўз самарасини бермоқда.

Яқинда Ўзбекистон Журналистлар иждоий уюшмаси ва уюшманинг Фарғона вилоят бўлими ҳамкорлигидаги таклифга асосан ХХР Шэньси провинцияси журналистларидан бир гуруҳи мамлакатимизда бўлди. Аввал пойтахтда учрашиб, сўнг Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилган меҳмонларимиз Фарғона, Самарқанд ва Бухоро вилоятларига ҳам ташриф буюрдилар. Улар Ўзбекистон мусулмонлар идораси, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент Давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон — Хитой бизнес ва технологиялар уюшмаларида ҳам бўлдилар.

— Бизнинг Ўзбекистон ҳақида ўқиб билганимиз кам экан. Мамлакатингиз тасаввуримиздагидан кўра анча кўркам, одамлари меҳнаткаш ва меҳмондўст, ёшлари иқтидорли экан, — дейди Шэньси провинцияси халқ ҳукумати телерадиокорпорацияси бўлим мудири Се Нан. — Айниқса, Буюк Ипак йўлидаги Фарғона боғларига ошуфта бўлиб қолдик.

Хитойлик ҳамкасбларга биз вилоятимиз иқтисодий имкониятлари, ишлаб чиқариш корхоналари, қишлоқ хўжалиги тармоқлари, тарихий обидалари, устозода ҳунармандлари билан яқиндан танишиш имконини яратиб бердик. Ҳар бир учрашув улар учун кутилмаган янгилик бўлди. Вилоятимиз иқтисодиётидаги йиллик ўсиш кўрсаткичларини шарҳлаб берганимизда, улар бундай натижалар дунёдаги ўнга яқин мамлакатгагина хослигини алоҳида таъкидладилар.

Фарғона шаҳри қиёфаси, кенг, ям-яшил майдонлар, каштанлар хиёбони, янги бунёд этилган иншоотлар, сув спорти саройини кўриб, кўзлари қувнади.

— Шэньси провинциясида 38 миллион аҳоли яшайди. Маркази Сиан шаҳри, кўчалари тор, одамлар доим шошиб юради. Фарғонадаги Аҳмад Алфарғоний боғида, Санъат саройи хиёбонида бўлганимизда, кўксимизни тўлдириб тоза ҳаводан нафас олдик ва сизларга ҳавасимиз келди, — дея сўзини давом эттиради Се Нан.

Меҳмонлар Марғилон, Қўқон шаҳарларидаги ободончилик, одамлардаги ҳаётдан мамнунлик, ёшларнинг эртанги кунга ишончи ва қатъийлигини кўриб, ҳаяжонларини яшира олмадилар.

Ўзбекистон Журналистлар иждоий уюшмаси Фарғона вилоят бўлими Матбуот марказида бўлиб ўтган учрашувда Се Нан қуйидагича маълумот берди:

— Шэньси телевидениеси 20 та каналда кўрсатувлар олиб боради ва у Хитой мамлакати ҳудудини қамраб олган. Иккита сунъий йўлдош орқали кўрсатув намойиш қиладиган телеканалга ҳам эгамиз. Унинг кўрсатувларини дунёдаги 80 дан зиёд мамлакатда томоша қиладилар. Биз Ўзбекистонда тасвирга туширган лавҳаларни ана шу телеканаллар орқали намойиш этамиз.

— "Шэньси жибао" газетаси учун туркум мақолалар ёза бошладим, — деди шу нашр бўлим мудири Цзя Юйфен. — Иждоий уюшманинг журналистлар малакасини ошириш тажрибаси мақолаларимдан бирига мавзу бўлади. Биз Ўзбекистонда цензура бекор қилиниб, том маънода сўз ва матбуот эркинлигига эришилгани, журналистик фаолиятни ташкил этиш ва ахборот олишни кафолатлайдиган қонунлар ишлаб турганини катта қизиқиш билан ўргандик. Бу борада демократик тамойиллар мустаҳкам қарор топган юртингиз бошқа давлатларга ўрнак бўларли мавқега эришибди.

Шэньси провинцияси Самарқанд вилояти билан биродарлашган. ХХР ОАВ вакиллари ушбу қўҳна шаҳарда бўлганларида хитойлик инвесторлар билан ҳамкорлик ўрнатган тадбиркорлар билан учрашдилар. "Зарафшон" газетаси таҳририятида эса ёш журналистлар маҳорат мактаби тингловчилари учун ташкил этилган машғулотда қатнашдилар.

— Мен бу юртнинг тарихи буюк эканини, дунё тараққиётига улкан ҳисса қўшган алломаларни етиштириб берганини билар эдим. Самарқанд тахтигагина эмас, юлдузлар салтанатига ҳам султонлик қилган Мирзо Улуғбек, асарларидаги инсонпарварлик ғоялари туфайли ижоди умумбашар мулкига айланган Алишер Навоий, Хитой халқ тиббиётига сезиларли таъсир кўрсатган Абу Али Ибн Сино каби зотлар номи менинг ватанимда ҳам улуғланади. Ўтган бир ҳафта давомида биз тарихигина эмас, келажаги ҳам буюк юртни кашф этдик. Бундай фикрни фақат иқтисодий кўрсаткичларга таяниб айтаётганим йўқ. Аслида, дунёдаги глобал инқироз даврида ялпи ички маҳсулот ҳажмининг узлуксиз 7-8 фоиз ўсишига эришиш иқтисодий ислоҳотлари мустаҳкам асосга қурилган мамлакатдагина рўй бериши мумкин. Ўзбекистон эса ҳаммани ҳайратга солиб, шундай натижалар кўрсатяпти.

Мен қаерда бўлмай, дунёқараши кенг ва тоза, интилувчан ва иқтидорли ёшларни учратдим. Улардаги икки хусусият мени ҳайратда қолдирди. Биринчиси, улар илмга чанқоқ, хорижий тилларда эркин фикр алмашадилар, дунё воқеаларига шахсий муносабатлари бор. Иккинчиси — иқтидор. У спортчи ёки ҳунармандми, тадбиркор ёки талабами, чуқур билим ва қобилиятга эга.

Яна бир жиҳатни эътироф этмоқчиман. Ўзбекистонда хорижий инвесторларга энг қулай имкониятлар яратилган экан. Биз сафар чоғида хитойлик инвесторлар билан ҳам учрашиб суҳбатлашдик. Ўзбекистонга Хитойдан кўплаб инвесторлар келиши бу ердаги ҳуқуқий асослар билан бирга ўзбек ҳамкорларидаги ҳалоллик, деб айтишди улар. Энди айтинг, илм-фан, иқтисод, саноат ва қишлоқ хўжалиги тараққий топган, ташқи сиёсатда ҳарбий блокларга қўшилмаслик йўлини танлаган Ўзбекистоннинг келажаги буюк бўлиши муқаррар воқелик эмасми?!

Биз Хитойнинг қадим пойтахти Сиан шаҳриданмиз. Менинг шаҳримда ҳам минг йиллик обидалар бор. Аммо Самарқандда, Регистон майдонида бўлганимда, буюклик деган тушунчанинг яна бир қиррасини ҳис этдим. Бугунки, у ўзга замон одамларини ҳайратга соляптими, ўз вақтида бу майдон қанчалар салобат ва улуғворлик кашф этган экан?! Айниқса, "Тиллакори" мадрасасидаги олтинранг нафис чизгилар, "Шердор" мадрасасидан таралаётган куч-қудрат рамзи, илм, тараққиёт ўчоғи бўлмиш Улуғбек мадрасасидаги сизни абадият қонунларини тасаввур ва таҳлил қилишга чорловчи руҳ ақл-заковатимизни забт этди. Мен Бухоро кўчаларини кезар эканман, зиё Шарқдан таралган деганларида шу заминни назарда тутганмиканлар, деб ўйланиб қолдим. Таассуротларимни қоғозга тушираркан-ман, олдимга қатъий мақсад қўйдим. Ҳозир Ўзбекистонда туриб ёза бошлаган "Ўзбекистондан мактублар" туркум мақолаларимда ўзим кўриб, ҳис қилган воқелик, туйғуларни ватандошларимга шундайлигича етказаман. Зеро, минг йилликдар аввал бизларни Буюк Ипак йўли боғлаган бўлса, ҳозир икки мамлакат раҳбарлари қабул қилган ҳамкорлик шартномаларининг янада мустаҳкамланишига ҳиссамни қўшаман, — деди меҳмонимиз Цзя Юйфен.

ШХТга аъзо давлат раҳбарларининг Ўзбекистон раислигида шу йил июнь ойида Тошкентда бўлиб ўтадиган навбатдаги анжумани арафасида хитойлик ҳамкасбларимиз Шэньси провинцияси маркази Сиан шаҳрида "Мустақил Ўзбекистон манзаралари" мавзуида фотокўргазма ташкил этадиган бўлдилар.

Журналистлар, ижод аҳлининг яқинлашуви, шубҳасиз халқлар, мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
Ўзбекистон журналистлар иждоий уюшмаси Фарғона вилоят бўлими раиси,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Парламент комиссиясида

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси томонидан 2016 йилда Давлат ижтимоий буюртмалари шаклида қўллаб-қувватланган лойиҳаларни тақдирлаш ва уларнинг тақдимоти ўтказилди.

ЛОЙИҲАДАН АМАЛИЁТГА

Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашнинг яратилган механизмлари, уларнинг эркин фаолият юритишлари учун шарт-шароитлар мамлакатимизда «учинчи сектор»нинг изчил ривожига кўмаклашмоқда.

Моҳиятан фуқаролик институтлари ҳуқуқ ва ваколатларини, уларнинг жамият ҳаётидаги ролини, фуқаролар эркинлиги, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги, жамият ҳаётини ташкил этиш ҳамда бошқаришда фуқароларнинг ўзларини фаол иштирок этишини таъминлашдаги функцияларини кенгайтиришни ташкил этадиган «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» концепцияси босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Фуқаролик жамияти институтлари фаолияти кўлами, давлат ва жамият бошқарувидаги вазифаларининг янада кенгайишида «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Мазкур концепция асосида кейинги йилларда қабул қилинган «Экологик назорат тўғрисида»ги, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги, «Парламент назорати тўғрисида»ги ва бошқа қонун ҳужжатлари ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини изчил ривожида муҳим аҳамият касб этди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонуни мамлакат ижтимоий, социал-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалаларини ҳал этишда, аҳоли турли қатламлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда давлат органлари ва ННТларининг ўзаро муносабатларини юксалтиришга, давлат ва жамиятнинг ҳамкорликдаги фаолияти самарадорлигини таъминлашга қаратилган.

Жорий йилда «Соғлом она ва бола» дастури ва бошқа ижтимоий дастурларни рўёбга чиқариш доирасида Парламент комиссияси қарори билан танлов асосида Давлат ижтимоий буюртмаси шаклида ижтимоий шериклик субъектларининг 13 та лойиҳаси 2,3 миллиард сўмга қўллаб-қувватланди.

Юртимизда она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, болаларни жисмоний, интеллектуал ва маънавий ривожига қулай шарт-шароитлар яратиш, оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва соғлом авлодни тарбиялаш давлат ва жамиятнинг долзарб эътиборида.

Тадбир иштирокчилари диққатига «Соғлом авлод учун» халқаро нодавлат хайрия фондининг «Соғлом болалар — мамлакат бойлиги» номли давлат ижтимоий буюртмасини амалга ошириш бўйича лойиҳаси тақдим этилди. Мазкур лойиҳа Парламент комиссияси қарорига кўра 410 миллион сўмга қўллаб-қувватланган. Лойиҳа доирасида болаликдан ногиронликнинг олдини олишга, болалардаги туғма ва ирсий касалликларни эрта аниқлашга ёрдам кўрсатилади, кам таъминланган оилаларнинг туғма юрак пороги хасталигига чалинган 40 нафар фарзанди тиббий жарроҳлик йўли билан даволанади.

Парламент комиссияси қарорига асосан, Ўзбекистон педиатрлар уюшмаси ва Ўзбекистон врачлар уюшмасининг жами 200 миллион сўмга молиялаштирилган давлат ижтимоий буюртмаси лойиҳаси тақдимотида аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож қатламларининг тиббий маданиятини юксалтириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, эмизикли аёллар, болалар ва ёшлар соғлигини мустаҳкамлашга қаратилганлиги қайд этилди. Мазкур жараёнда узоқ туманлар, чекка ва чегара ҳудудларда яшаётган аҳоли турли қатламлари орасида эрта ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари тўғрисида, соғлом оилани барпо этишда тиббий кўрикнинг аҳамияти борасида кенг тушунтириш ишлари ташкил этилади. Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё вилояти ҳамда Фарғона водийсида оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктлари врачлари ва ҳамширалари ўртасида турли юқумли касалликларнинг олдини олиш ва даволаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш йўналишларида маҳорат дарслари, семинарлар ўтказилади.

Тадбир давомида Ёшлар ташаббуслари маркази, «Камолот ёшлар ижод саройи» каби қатор ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳам ўз тақдимотларини намойиш этишди. Уларнинг лойиҳалари ахборот коммуникация соҳасида ёш кадрларни тайёрлаш, иқтидорли ёш мутахассисларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, ахборот технологияларининг замонавий миллий тизимини янада ривожлантиришга қаратилган. Ахборот технологиялари соҳасига ёшларни жалб қилиш ва улардан тўғри фойдаланиш мақсадида семинар-тренинглар, маҳорат дарслари ташкил этилиши белгиланган.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгашининг «Ёш ишчи кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишга кўмаклашиш» мавзусидаги давлат ижтимоий буюртмасини амалга ошириш учун тақдим этган лойиҳаси ёшлар орасида ишлаб чиқариш, муҳандислик ва қурилиш соҳаларида ўрта бўғин касбларини оммалаштириш ва обрўсини юксалтиришга йўналтирилган.

Аҳоли, айниқса, ёш авлоднинг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида давлат ижтимоий буюртмаларини амалга ошириш учун ОАВ имкониятларидан фойдаланишни кўзда тутган давлат ижтимоий буюртмаларига катта эътибор қаратилган.

Аҳоли, биринчи навбатда ёшлар аудиториясида қонунларни кенг тарғиб этиш, ҳуқуқий масалаларни муҳокама қилишга йўналтирилган «Конституцияни ўрганамиз», «Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият» мавзуларида махсус ҳафталик телекўрсатувларни ташкил этиш ва эфирга узатиш қайд этилди.

Ўзбекистон халқининг маданий-тарихий меросини оммалаштириш, жамиятда миллатлараро тотувлик, маданиятлараро бирдамликни ва диний бағрикенгликни таъминлашга қўмаклашиш муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда республикамизда миллатлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш, турли миллат ва элатларнинг маданий-маънавий эҳтиёжларини қондириш мақсадида 140 дан зиёд миллий-маданий марказлар фаолият олиб бормоқда.

«Имом Бухорий» халқаро маркази ҳамда мамлакатимизда фаолият олиб бораётган «Wiedergtburt» немис миллий-маданий марказининг лойиҳалари давлат ижтимоий буюртмаси шаклида Парламент комиссияси томонидан қўллаб-қувватланди.

Лойиҳалар доирасида давлат органлари билан фуқаролик жамияти институтлари ижтимоий шериклик асосида мустақиллик йилларида Ўзбекистонда истиқомат қилаётган турли миллатларнинг ўзига хос бетакрор анъана ва урф-одатлари, миллатлараро тинчлик-тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш соҳасида эришилган ютуқлар тарғиб қилинади.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан «Ўзбекистон — умумий уйимиз» шиори остида дўстлик ва маданият фестивалининг Қорақалпоғистон ҳамда вилоятлар ҳудудий босқичлари, «Ўзбекистон мустақиллиги — миллатлараро муносабатлар ривожининг янги босқичи» илмий-амалий конференцияси ўтказилади.

Лойиҳа доирасида Ўзбекистонда мустақиллик йилларида виждон ва эътиқод эркинлигини таъминлаш, жамиятда конфессиялараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш сиёсатини амалга ошириш натижаларини қамраб олган китоб-альбомни чоп этиш ҳам кўзда тутилган.

Уларда асосий эътибор мамлакатимизда истиқомат килаётган турли миллат ва халқлар урф-одат ва маросимларининг мустақиллик йилларида қайта тиклангани ва ўзига хос миллий анъаналарнинг мустаҳкамланиши намойиш этилади.

Тадбир якунида давлат ижтимоий буюртмалари шаклида қўллаб-қувватланган лойиҳалар ғолибларига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг сертификатлари топширилди.

А.АБДУЛЛАЕВ

Машҳур журналистлар ҳаётидан

УЛАР ҲАҚИДА БИЛАСИЗМИ?

Марк Твен *(ҳақиқий исм-шарифи Самуэл Лангхорн Клеменс) америкалик ёзувчи ва жамоат арбоби, журналист. Ўткир публицист, юморист, сатирик. Кўплаб жанрларда ижод қилган.*

1835 йил 30 ноябрда АҚШнинг Миссури штати Флорида посёлкасида дунёга келган. Самуэл Жон ва Жейн Клеменсларнинг тўрт нафар омон қолган фарзандидан учинчиси эди. У болалик пайтида оиласи яхшироқ ҳаётни истаб, Ганнибал шаҳрига кўчиб ўтади. Айнан ана шу шаҳарда кечган ҳаёти кейинчалик унинг машҳур "Том Сойернинг саргузаштлари" асарига асос бўлади.

Самуэл 12 ёшга етганда отаси вафот этади. Унинг анчагина қарзи бўлиб, фарзандлари зммасида қолади. Катта ўғил Орайон газета сотиб пул топа бошлайди. Самуэл ҳам акасига ёрдам беради, таҳририятда ҳарф терувчи, босмахонада ёрдамчи бўлиб ишлайди. Баъзан мақолалар ёзиб, таҳририятга олиб боради. У ўсмирлигидаёқ жонли, баҳс-мунозарали мақолалари билан эътибор қозонади.

Самуэл 1862 йилда Виржиния-ситидаги «Territorial Enterprise» газетаси таҳририятидан ҳамкорлик қилиш таклифини олади. Шундан сўнг унда ўзига тахаллус топиш истаги туғилади. У ўзига Марк Твен тахаллусини танлайди.

1867 йилда "Альфа Калифорния" ва "Нью-Йорк Трибюн" нашрлари мухбири сифатида Твен Европага жўнайди. Август ойида у Одесса, Ялта ва Севастополга, сўнг кема аъзолари сафида Ливадиядаги рус императори саройига ташриф буюради.

Европа ва Осиё бўйлаб бўлган саёҳатлари давомида у ёзганларини таҳририятларга юбориб турарди. Кейинчалик унинг бу ишлари "Оддий одамлар чет элда" китоби учун хамиртуруш вазифасини ўтайди. 1869 йилда чоп этилган, жанубликлар ҳаёти ҳақидаги самимий юмор ва сатирадан иборат ушбу асарни китобхонлар катта қизиқиш билан кутиб олади. Марк Твен адабиёт оламига ана шу тарзда кириб келади.

1876 йилда дунё юзини кўрган "Том Сойернинг саргузаштлари" асари Марк Твен номини нафақат Америкада, балки жаҳон адабиёти тарихида муҳрлади. Ёзувчининг болалиги ушбу асарнинг асосий хамиртуруши эди. Китобда унинг Ганнибалдаги ҳаёти, шунингдек, Миссисипи қирғоқларида ёйилиб кетган кичик аҳоли пунктларидан ташқари Санкт-Петербург қаламга олинади. Асар бош қаҳрамони мактабни хушламайдиган, 9 ёшидан чекишни ўрганган Том Сойер ёш Самуэл Клеменснинг ўзи эканини дарров фаҳмлаш мумкин.

1884 йилга қадар Марк Твен нафақат таниқли адабиёт намояндаси, балки омадли бизнесмен ҳам эди. У ноширлик фирмасини ташкил қилади ва унда ўзининг «Гекльберри Финна саргузаштлари» асари чоп этилади. Танқидчилар асарга ёзувчи ижодининг чўққиси деб баҳо беради. Асар маъмунан "Том Сойернинг саргузаштлари"нинг мантиқий давоми эди.

ХХ асрга келиб, Марк Твен ўткир сатиралар ёзишга кириширди. Ёзувчи ўз асарларида суронли инқилоб давридаги ноҳақлик ва адолатсизликни фош этди. АҚШ сиёсатчиларини танқид остига олди, бу 1883 йилда ёзилган "Миссисипидаги ҳаёт" тўпламида яққол акс этган. Шунингдек, унинг "Зулматга қараб юраётган инсонга", "Линчлашган (АҚШда негрлар ва оломонни судсиз-сўроқсиз вахшийларча жазолаш) Қўшма Штатлар", "Шоҳ монологи", "Конгодаги ҳукмронлиги даврида Қирол Леопаолд монологи" сингари сатиралар жамоатчилик орасида баҳс-мунозараларга сабаб бўлади.

Тўрт фарзанддан уч нафари, кейин рафиқаси Оливиянинг вафоти унинг саломатлигига жиддий таъсир этади. Шунга қарамай, Твен ҳазил-ҳузулни канда қилмасди. Охирқибат ёзувчини қийнаган стенокардия 1910 йил 24 апрелда, 74 ёшида уни ҳаётдан олиб кетди.

Марк Твеннинг энг сўнгги сатирик қиссаси — "Сирли нотаниш" унинг ўлимидан кейин 1916 йилда чоп этилган.

Х.ФАЙЗИЕВА тайёрлади.

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

ШАРҲ

Бу йил Шанхай Ҳамкорлик ташкилоти тузилганига 15 йил тўлади. Шу давр мобайнида ташкилот нуфузли давлатлараро тизим сифатида халқаро майдонда мустаҳкам ўринга эга бўлди. Таъкидлаш жоизки, кузатувчи мамлакатлар билан қўшиб ҳисоблаганда, айни пайтда ШҲТ инсониятнинг ярмини бирлаштиради. Бу эса унинг асосий фаолият йўналишлари — иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашдаги салоҳиятини оширади.



Марказий Осиё муаммоларини Ўзбекистоннинг иштирокисиз ҳал этиб бўлмаслигини таъкидлаган Россия ва Хитой таклифи билан 2001 йил Шанхайда бўлиб ўтган "Бешлик" саммитида Ўзбекистон ташкилотнинг муассиси ва тенг ҳуқуқли аъзосига айланди. Ўзбекистоннинг ШҲТдаги иштироки мазкур ташкилотни мустаҳкамлаш билан бирга, минтақавий муаммолар ечимининг самарали бўлишини таъминлади. ШҲТнинг Ўзбекистон манфаатлари билан ҳамоҳанг жиҳати бор. "Учта ёвуз куч" — халқаро терроризм, диний экстремизм ва айирмачилик, шунингдек, гиёҳванд моддалар ноқонуний савдоси ва уюшган жиноятчиликка қарши курашда Ўзбекистоннинг ШҲТга аъзо мамлакатлар билан мавқеи деярли бир хил.

Ташкилотнинг асосчи давлатларидан бири сифатида Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсий стратегиясида очиқ ва конструктив мулоқот минбари бўлган мазкур ташкилотга алоҳида аҳамият бермоқда, унинг ишида фаол қатнашмоқда.

ШҲТнинг ҳуқуқий меъёр ва қоидаларига биноан, Ўзбекистон Республикаси учинчи маротаба раислик қилмоқда. Мамлакатимиз 2004 ва 2010 йилларда ўзининг ШҲТга раислиги доирасида янги хавф-хатарларга нисбатан аъзо мамлакатлар сиёсатини мувофиқлаштиришни кучайтиришга доир қатор ташаббусларни илгари сурган эди.

Халқаро экспертлар ўтган галги Ўзбекистоннинг ташкилотга раислиги даврида ШҲТ нуфузини янада мустаҳкамлаш ва фаолиятини ривожлантириш йўлида муҳим қадамлар қўйганлигини эътироф этишган. 2010 йил апрелида Пан Ги Муннинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида ШҲТ ва БМТ Котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги декларация имзоланган эди. Хусусан, Ўзбекистон Президенти ШҲТ доирасида қарорлар қабул қилиш механизмларини, ташкилот ва тузилмалари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган муҳим таклифларни илгари сурди. ШҲТ ва БМТ котибиятлари ўртасида Тошкентда имзоланган Қўшма декларация Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Контртеррористик қўмитаси ўртасидаги амалий алоқалар ривожига йўл очади. ШҲТ билан БМТ ўртасидаги ҳамкорлик икки томон учун муҳим масалаларни ечишда баҳамжиҳат ҳаракат қилишга имкон берди.

Ўзбекистон ШҲТга аъзо давлатларнинг 2020 йилгача мўлжалланган кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик дастурини ижро этиш бўйича чора-тадбирлар режасини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Таъкидлаш керакки, ШҲТ ҳарбий ташкилот бўлмасдан, балки аъзо давлатлар хавфсизлигини таъминлашга масъул ҳисобланади. Унинг ўз олдига қўйган вазифалари барқарор тараққиёт ва фаровон истиқбол учун ҳамкорликда фаолият юритишдан иборатдир. Сўнгги вақтларда жаҳонда нуфузи ортиб бораётган ташкилот ўз олдига урушлар ва ҳарбий-сиёсий тўқнашувлар хавфини даф этиб, тинч, фаровон ҳаётга эришиш каби эзгу мақсадларни қўйган. Ташкилотнинг доимий фаолият кўрсатувчи икки органи — Пекин шаҳрида жойлашган Котибият ва Тошкент шаҳрида жойлашган Минтақавий аксилтеррор тузилмаси самарали фаолият юритиб келмоқда. Ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг 2004 йилги саммити доирасида пойтахтимизда ташкилотнинг доимий фаолият кўрсатувчи органи — Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ижроия қўмитасининг очилгани ШҲТ фаолиятида муҳим тарихий воқеа бўлди. Унинг зиммасига ахборот алмашиш, махсус хизматлар ҳамкорлигини мувофиқлаштириш, шу орқали террорчиликнинг олдини олиш, терроризм, экстремизм ва айирмачиликка, гиёҳвандлик моддалари ҳамда қурол-яроғ контрабандасига, оммавий қирғин қуроллари тарқалишига қарши биргаликда курашишни кучайтиришга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, халқаро ва минтақавий хавфсизликка таҳдидларнинг олдини олиш каби вазифалар юкланди.

Тошкент шаҳрида 2016 йил 8 апрель куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Кенгашининг навбатдаги йиғирма саккизинчи мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда ташкилотга аъзо давлатларнинг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича 2013-2015 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурини амалга ошириш якунлари ва ШҲТ МАТТ Кенгаши қарорлари ижроси муҳокама қилинди. ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашига тақдим этиладиган мазкур халқаро тузилманинг 2015 йилдаги фаолияти тўғрисидаги маъруза лойиҳаси маъқулланди.

Ўтган давр мобайнида жаҳон ва минтақа аҳамиятига молик муаммолар ҳал этилишида ташкилот салоҳиятини, ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш, ташкилотнинг халқаро майдондаги ролини ошириш юзасидан кенг қамровли ишлар рўёбга чиқарилди. Шу боис эндиликда кўп давлатлар ШҲТга алоҳида қизиқиш ҳамда у билан шериклик алоқаларини ўрнатиш юзасидан истак билдиришаяпти. Айтайлик, 2015 йил сентябрда Камбоджа қироллигига ШҲТнинг мулоқот бўйича шериги мақомини бериш тўғрисидаги меморандум имзоланди. Жорий йил 14 март куни ана шундай мақом Озарбайжонга берилди. Непал билан ҳам шундай ҳужжат имзоланди. Жорий йилнинг 1 март куни Пекинда Шанхай Ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби Рашид Алимов ҳамда Ҳиндистон ва Покистоннинг Хитойдаги элчилари ўртасидаги учрашувда ШҲТга аъзо давлатларнинг ташкилот котибияти ҳузуридаги доимий вакиллари ҳам иштирок этди. Унда Ҳиндистон Республикаси ҳамда Покистон Ислом Республикаси элчиларига ШҲТга аъзолик мақомини олиш юзасидан мажбуриятлар ҳақидаги меморандумларнинг лойиҳалари берилди.

Аъзо давлатлар раҳбарларининг Тошкентда бўлиб ўтадиган навбатдаги саммитида мазкур меморандумларни имзолаш режалаштирилган бўлиб, бу воқеа учрашувнинг муҳим амалий натижаларидан бири сифатида ШҲТнинг келгуси ривожига янги тўртки беришга шубҳа йўқ.

2016 йили Ўзбекистон раислиги доирасида Тошкентда ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгаши, Ташқи ишлар вазирлари кенгаши мажлислари, Хавфсизлик кенгаши котибларининг учрашуви, маданият вазирлари йиғилиши ҳамда Банкларо бирлашма кенгаши ва Ишбилармонлар кенгаши бошқарувининг мажлисларини ўтказиш режалаштирилаяпти. Тошкент шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгаши йиғилиши ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ШҲТга раислиги доирасидаги бошқа тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уни юқори даражада ўтказиш учун изчил ишлар амалга оширилмоқда. Бунда Тошкент саммитининг мазмундорлигини ошириш, чунончи, унинг якунлари бўйича қабул қилинадиган ҳужжатлар тўпламини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилаётир. ШҲТ ўн беш йиллигининг Тошкент декларацияси, ШҲТга аъзо давлатларнинг 2017 — 2022 йиллардаги гиёҳвандликка қарши стратегияси ва уни бажариш бўйича Ҳаракат дастурлари имзоланиши кутилаяпти. Бундан ташқари, Жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни бажариш бўйича Тадбирлар режаси ҳамда ШҲТнинг 2025 йилгача ривожланиш стратегиясини амалга ошириш Режасининг тасдиқланиши мўлжалланмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислиги жаҳон оммавий ахборот воситаларининг диққат марказида турибди. Яқинда Хитойнинг "Дунфан Цзабао" ("Шарқ тонги") газетасида ушбу мавзуга бағишланган мақола чоп этилди. Газетанинг халқаро янгиликлар департаменти директори Вэй Синнинг таъкидлашича, Ўзбекистоннинг тинчликсевар сиёсати ҳамда минтақадаги хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш юзасидан изчил саъй-ҳаракатлари туфайли мамлакатнинг халқаро ҳамжамиятдаги обрўэътибори йил сайин ортмоқда.

Мақолада ШҲТ ташкил топиши ҳамда ривожланишида Ўзбекистон тутган ўринга юқори баҳо берилган. Журналист ёзганидек, айнан Ўзбекистон ташаббуси билан ШҲТ фаолиятини такомиллаштириш, турли йўналишлардаги ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш тўғрисидаги кўпгина муҳим ҳужжат ва қарорлар қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси ШҲТга раислик қилаётган давлат сифатида ташкилотнинг янада равнақ топиши, унинг меъёрий-ҳуқуқий асослари мустаҳкамланиши ҳамда ушбу тизимнинг нуфузи янада юксалишига катта ҳисса қўшаётир. ШҲТ ташкил топганининг ўн беш йиллигида ўтказиладиган Тошкент саммити йилнинг улкан сиёсий воқеаси бўлибгина қолмай, ташкилот тарихида ҳам янги саҳифа очишига шубҳа йўқ.

Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ

Ҳам ҳайратланасиз...

БУ — ҚИЗИҚ

Бизни қуршаб турган олам ғаройиботларга бой. Ундаги сиру синоатлар, табиат гўзаллиги, борлиқ жозибадорлигидан ҳайратга тушмай иложи йўқ. Сизга ҳавола этилаётган ушбу қизиқарли фактлар фикримизнинг ёрқин далилидир.

Дунёда 2,5 мингдан ортиқ қўриқхоналар, резерватлар, табиий ва миллий боғлар бор, уларнинг умумий майдони 4 миллион км² дан ортиқ, у сайёрамизнинг 2,7 фоиз майдонини эгаллайди. Энг йирик миллий боғлар Гренландия, Ботсвана, Канада, Мўғулистон ва Аляскада жойлашган.

Баъзи бир шаҳарлар фақат пойтахт вазифасини бажариш учун қурилган. Австралия пойтахти Канберра бунга яққол мисол бўлади. Ушбу шаҳар пойтахтликка даъвогар Сидней билан Мелбурн шаҳарлари ўртасидаги келишмовчиликни бартараф қилиш учун махсус танланган жойда XX аср бошида бунёд этилган. Канада пойтахти Оттава ва АҚШ пойтахти Вашингтон ҳам бунга мисол бўлади.

«Шаҳар» тушунчаси ҳар жойда ҳар хил тушунилади. Масалан, «Дания, Швеция, Финландияда 200 дан ортиқ, Канада ва Австралияда мингдан ортиқ, Германия, Франция, Кубада 2 мингдан ортиқ, АҚШ ва Мексикада 2,5 мингдан ортиқ, Австрия, Ҳиндистон, Эронда 5 мингдан ортиқ, Швейцария ва Малайзияда 10 мингдан ортиқ, Японияда 30 мингдан, Жанубий Кореяда 40 мингдан ортиқ аҳолиси бўлган аҳоли пунктлари шаҳар деб аталади.

Австралия фермаларидаги кишилар бир-бирларидан жуда узоқда яшайди. Улар қўшнилари ва ташқи дунё билан асосан, телефон ҳамда радио ёрдамида алоқа қилишади. Врач радио орқали маслаҳат беради ва зарурат бўлиб қолгандагина касалга бориш учун таклиф қабул қилади. Фермерларнинг болалари 15 ёшгача радио орқали ўқитилади. Ҳар бир ўқувчининг ўз радиостанцияси бўлади, у машғулотни бажараётганда радиостанция ёрдамида ўқитувчига, бошқа ўқувчиларга мурожаат қилиши мумкин. Ўқувчи ўзининг ёзма ишларини ҳафтада бир марта радио — мактаб ўқитувчисига юбориб туради.

Ҳар йили ноябрь ойида Лондонда катта тантана билан ўтадиган анъанавий маросимлардан бири қироличанинг ўз қароргоҳи Букингем саройидан парламент биноси — Вестминстерга нутқ сўзлаш учун кўчиб ўтишидир. Бу тантанада қироличанинг 6 жуфт оқ от қўшилган зарҳал файтонини ўрта асрларга хос либосларни кийиб олган отлиқ гвардия бошлаб боради.

Япония давлат тузуми 1947 йилда конституция қабул қилингунига қадар мутлоқ монархия бўлиб, у императорга чекланмаган ҳокимият бериб, уни илоҳийлаштирар эди. 1947 йилда мутлоқ монархия тугатилди. Бироқ мамлакатда сақланиб қолган анъанага кўра бу ердаги йил ҳисоб (сана)ларнинг бири навбатдаги императорнинг давлат бошига келишидан бошланади. Тахтга 1989 йилда император Акиҳито келиши муносабати билан боғлиқ янги йил ҳисоби «хейсей» деб атала бошлади. Бу — бутун дунёда, Ерда ва осмонда тинчликни қарор топтириш дегани.

Хосият САЪДУЛЛАЕВА тайёрлади.

Бу турфа олам

МАГНИТЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ СИР



Хьюстон университети олимлари юқори ўтказгичлар магнит майдонни "тутиб", ўзида сақлайди, деган назарияни инкор қиладиган ҳолатни аниқлашди. Бундай ўтказгичларнинг ўзи магнитлар хусусиятига эга экан.

Одатда, магнитли мосламанинг иш унумдорлиги магнит кучига қараб ортиб боради. Масалан, магнит кучини 25 деб олсак, унумдорлик 25 дан 625 мартагача кўтарилиши мумкин. Магнит хусусиятини сақловчи юқори ўтказгичларнинг бардошлилиги ундаги магнит майдони билан боғлиқ. Юқори ўтказгичлар энг паст ҳароратга тушиб совигач, магнит хусусиятига эга бўлади. Бунинг учун юқори ўтказгич имкони борича каттароқ магнит майдон "ушлади" дейлик, шундан охиргиси аввалгиларидан уч марта кучлироқ бўлиши керак.

Аммо олимларнинг фикрича, юқори ўтказгичли магнитларни қўллаш имкони чегараланган. Чунки 12 тесладан ортиқ майдон ҳосил қилиш қийин ва қиммат тушади. Бундай ҳолатда юқори ўтказгичли магнитларнинг кучи 3,75 тесла билан чегараланиб қолади. Физикларнинг фикрича, гап юқори ўтказгичлардаги магнит майдонидаги бу ҳолат назарияда кўрсатилганидек, унинг чидамлилиги ва секин ўсиб боришида эмас, балки ундаги "сакраш" ҳолатида. Тадқиқот эса 12 тесла кучга эга юқори ўтказгичли магнитлар яратиш имкони борлигини кўрсатмоқда. Шундай имконият яратилса, айни пайтда рентген ускунасида қўлланадиган минг долларлик магнитнинг турдоши атиги 300 долларга тўғри келарди. Бундай магнитлар гўшт майдалагич ускуналардан тортиб, космик кемаларнинг автоматлашган қисмларини туташтиришгача қўллаш мумкин.

НЕГА ИНСОН ҚИЁФАСИ УНУТИЛАДИ?

Инсон кексайгани сайин хотираси пасая боради. Ҳатто ўз яқинлари қиёфасини ҳам унутиб қўйиш мумкин. Монреаль университети психологлари бунинг сабабини аниқлашди.

Одамлар ўртасидаги муносабатларда юз қиёфаси асосий ўрин тутади. Тадрижий тараққиёт натижасида инсон миясида махсус нейронлар схемаси шаклланган. Ушбу схема визуал ахборотларни қайта ишлаб кўз ўнгидаги қиёфа кимга тегишли эканини англашга ёрдам беради. Бу вақтда инсон миясининг алоҳида белгилари ва қиёфанинг ўзини ҳам тўлалигича қабул қилади. Олимлар шунга асосланиб, Альцгеймер касаллиги сабабини аниқлашди ва йўқотилган хотирани қайта тиклашди.

Тажриба учун соғлом ҳамда Альцгеймерга чалинган кексалар жалб қилинди. Психологлар ҳар икки гуруҳдагиларнинг қиёфалар тасвири ва икки хил ҳолатдаги автомобилларни эслаб қолиш қобилиятини синовдан ўтказишди. Тажрибада соғломлар ҳам, хасталар ҳам автомобилларни эслаб қолишда бир хил натижага эришдилар, қиёфаларни эслашда эса кўп хатоларга йўл қўйишди. Ташқи маълумотни қабул қилишнинг ёмонлашуви касалликнинг бошланғич белгилари, дейишмоқда олимлар. Шу боис ҳам ҳар бир оила хотираси пасайган беморлар учун яқинларини узоқроқ эслаб қолишга ундайдиган янги омилларни ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ бўлар экан.

ПУЭБЛО ТАМАДДУНИ ИНҚИРОЗИ

Вашингтон штати университети антропологлари пуэбло маданиятининг йўқ бўлиб кетиши сабабларини ўрганиб чиқдилар. Ўн йиллар давомидаги қурғоқчилик туфайли бу ерда яшаган ҳиндулар қишлоқ хўжалик экинлари, хусусан, маккажўҳоридан ҳосил олишолмади.

Қурғоқчилик муаммосидан чиқиш учун улар қадимги Хитой ва Вавилон каби суғориш иншоотлари қуришни эмас, балки бошқа ҳудудларга кўчишни афзал билишган.

Тадқиқот муаллифларидан бири Тим Колернинг таъкидлашича, пуэбло жамияти ёғингарчилик ва мўл ҳосил олиш учун ўтказиладиган урф-одат ва маросимларга оид диний ақидаларга қаттиқ боғланиб қолишган. Ҳиндулар ҳаётида рўй берган қурғоқчилик ижтимоий-иқтисодий инқирозни ва қулай иқлим илинжидаги сўнгги кўчишларни келтириб чиқарди.

Олимлар пуэбло халқларининг бошланғич ҳудудларидаги учта йирик миграциясини аниқладилар. Биринчи миграция 600 ва 700 йиллар оралиғида кузатилган. Бу даврда аҳоли маккажўҳорини ертўлада сақлашни ўзлаштириб олганлар. Пуэбло II (1035-1145 йиллар) даври эса йирик иншоотлар қурилиши билан аҳамиятлидир. Пуэбло III даври айниқса, 1250 йилларда гуллаб яшнади. Кейин эса узоқ чўзилган ва ушбу тамаддунни барбод қилган қурғоқчилик бошланган.

БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИНГ НОМАЪЛУМ ҚИСМИ



Археологлар аввал маълум бўлмаган Буюк ипак йўлининг Евроосиёнинг Шарқ ва Ғарбини XV асргача бирлаштириб турган муҳим савдо тармоғини аниқлашди. Маълум бўлишича, Хитойдан бошланган йўл Тибетнинг тоғлари орасидан ўтган экан.

2005 йилда Тибетнинг Нгари ҳудудида ёши 1,8 минг йилга тенг қабристон топилди. 2012 йилда қазилма ишлари бошланганда археологлар бу ерда Хитой буюмларининг кўплигига аҳамият қаратдилар. Ипакка ўралган Хитой иероглифлари, олтин ниқоб, сопол ва бронза идишлари шулар жумласидандир.

Тибет ва Хитой ўртасидаги бу муносабатлардан кўриниб турибдики, Буюк ипак йўлининг бир тармоғи Ҳимолай тоғларидан ҳам ўтган экан. Қадимда тоғлар савдо ва маданият ишларига тўсиқ эмас, аксинча восита бўлганлигидан далолат беради.

Интернет материаллари асосида Х. АҲМАДЖОНОВА тайёрлади.

МЕҲРНИНГ БИР БЎЛАГИ

Ҳамма учун

Бугун биз шиддат билан илгарилаётган замонни қувиб етмоқчи бўлгандек кун бўйи елиб-югурамиз. Шоша-пиша нонушта қиламиз. Тушликни кўча ошхонасида, кечки овқатни эса кулбаларимизда қандайдир зерикиш, паришон ҳолда ўтказамиз. Баъзан, илкис димоғимизда ху-у ортда қолган болалик йилларидаги қадрдон исни туйгандек бўламиз. Бу ўша машҳур қаҳрамон соғинган ялпиз солинган шўрва ё жонажон палов ҳиди бўлиши эҳтимол. Кейин кўз ўнгимизда волидамизнинг қадоқ қўллари, жовдирабгина тургувчи гиргиттон кўзлари, қулоғимиз остида жаранглочи "болам, овқатингни еб ола қолгин" деган қадрдон овози эшитилгандек бўлади. Ўша овқат иси, меҳр тафтини истаб, ширин бир соғинч, волидамизга бўлган эҳтиром қалбимизни тўлқинлантириб юборади.

Бугун улғаяётган фарзандлар ҳам эртага ана шундай ҳисларни бошидан ўтказармикан? Ана шундай эҳтиром, меҳр билан ёдга олармикин дастурхон атрофидаги қадрдон муҳитни? Дабдурустдан қўйилган бундай саволларнинг туғилишига кейинги пайтда ёшлар ўртасида "fast food" маҳсулотлари билан кифояланиш оммалашаётгани, шифокорларга қилинаётган мурожаатларнинг аксарияти сурункали ошқозон ичак-касалликлари билан боғлиқ экани сабаб бўлди. Буларнинг барига эса биргина овқатланиш меъёрининг бузилиши сабаб десам ишонасизми? Келинг, мулоҳаза қилиб кўрамиз. Халқимизда қуш уясида кўрганини қилади деган нақл бор. Кичкина болага нимани ўргатсангиз у шуни такрорлайди. Ёки бир рекламада такрор-такрор айтилаётгани каби, "Сиз нима есангиз, болангиз ҳам шуни ейди". Ҳақиқатан, икки-уч марта такрорласангиз бу боланинг одатига айланади. Шу боис оналар бу даврда фарзандларига энг яхши амалларни ўргатишади. Токи, болалар келажакда ҳам ақлан, ҳам жисмонан соғлом бўлиб вояга етсин. Саломатликнинг асосий шартларидан бири эса овқатланиш тартибига риоя қилиш. Хўш, бугун оилаларда бу қоидага қанчалик эътибор бериляпти? Болани тўғри овқатлантириш қандай амалга оширилади? Бу жараёнда оналар нималарга эътибор беришлари керак?

— Биринчи галда овқатга солинаётган маҳсулотлар таркиби ва сифатига эътибор қаратиш керак. Бунда таомдаги оқсил, ёғ ва углеводларнинг миқдори боланинг ёшига тўғри келиши муҳим. Мисол учун 4-7 ёшгача бўлган болаларнинг кунлик таомномасида ўттизга яқин маҳсулот бўлиши лозим, — дейди Тошкент тиббиёт академияси кафедра мудири, тиббиёт фанлари доктори Низом Эрматов. — Кўпчилик оналар бола "овқатга кириши" билан унга катталар ейдиган таомларни бера бошлашади. Бир қараганда бунинг ёмон томони йўқдек. Бироқ, кичик ёшли боланинг организми бундай "оғир юк"ни ҳазм қилишга қийналади. Болакайларда ич бузилиши, қорин оғриғи пайдо бўлади. Шу боис бундай овқатларни икки-уч ёшдан кейин бериш мақсадга мувофиқ. Боғча ва мактаб ёшидаги болаларга овқатланиш вақти тўрт маҳал қилиб белгиланади: нонушта, тушлик, толма чой (тушдан кейинги емак) ва кечки овқат. Уларга қовурилган таомларни бериш тавсия этилмайди. Бунинг ўрнига буғда пиширилган ва суюқ таомлар, турли табиий маҳсулотлардан тайёрланган бўтқалар бериш анча фойдали. Кунлик истеъмолда сариёғ ва бир дона тухум бўлиши албатта, керак. Ва яна иссиқ овқатдан ташқари салатлар ҳам берилиши фарзандларимиз саломатлиги учун зарур. Бироқ бунда майонез, кетчуп қўшилган салатлар эмас, балки, турп, кўк пиёз, лавлаги каби табиий маҳсулотлардан қилинган салатлар кўзда тутилади. Дарвоқе, таркибида қизил сақловчи ҳамма сабзавотлар онкологик касалликларнинг олдини олар экан. Шу боис бундай маҳсулотлардан тайёрланган салат хасталикдан ҳимояланишга кўмакчи бўлади...

Шифокорларнинг фикрига кўра, кўпчилигимиз "тирик овқат" емас эканмиз. Яъни биз кўпинча "тозаланган сув", "тўйинтирилган" маҳсулотлардан таом тайёрлаб еймиз. Ёки магазиндан бир кило олма ўрнига, фарзандимизга шоколад ёки бирор газланган ичимлик сотиб олишни афзал биламиз. Ҳолбуки, биргина олма мевасида бола учун кунлик миқдордаги темир моддаси бўлади. Кўпчилик ота-оналар эса фарзандларини эркалатиш, уларга меҳр кўрсатиш мақсадида цитрус мевалар, турли "fast food"лар, колбаса, пишлоқ маҳсулотларини беришади. Цитрус меваларда витаминлар бор, албатта. Бироқ улар турли аллергик касалликларни келтириб чиқариши мумкинлигини катталарнинг аксарияти билавермаса керак. "Fast food" маҳсулотларининг (бунга мактаб ошхоналарида тайёрланадиган "ҳот-дог"лардан тортиб, сомса, ширин кулча... майдаланган қоқ нон ("кирешки"), "чипс"лар ҳам киради) зарарлари эса жуда кўп. Улар организмга салбий таъсир кўрсатиб, турли касалликларга мойилликни, ошқозон-ичак яраларини пайдо қилади. Бундай «импортний», «тез пишар» маҳсулотлар бир томондан ҳамёнга зиён бўлса, иккинчидан уларнинг сифати гарчи рекламаларда зўр бериб мақталса-да, табиий овқатларнинг ўрнини босолмаслигини билишимиз керак.

— Овқатланиш вақтидан кейин оналар эътибор бериши керак бўлган иккинчи жиҳат бу — тановул қилиш жойи ҳисобланади. Бола иложи борича шинам, ёруғ, тоза ва тинч жойда овқатланиши керак, — дея сўзини давом эттиради Низом ака. — Компьютер, телефон, телевизорни ўчириб қўйиш овқатнинг яхши ҳазм бўлишига ёрдам беради.

Қарангки, тиббиёт яқин йилларда аниқлаган бу факт бизда бундан минг йиллар аввал шаклланиб улгурган эди. Қадимдан халқимизда дастурхон одоби муқаддас саналади. Унинг атрофида йиғилиб ўтириш, овқатланиш одати минг йилларга бориб тақалса ажабмас. Хонадон бекаси томонидан айрича эътибор ва меҳр билан ёзилган дастурхон бошида оиланинг жам бўлиши замирида катта маъно бўлган. Энг ширин суҳбатлар мана шу пайтда қурилган. Фарзандларнинг тилидаги, кўнглидаги энг сирли қулфлар, нозик муаммолар мана шу жараёнда очилган. Энг зарур масалалар мана шу пайтда ҳал қилинган. Турмуш ташвишлари билан банд ота-она фарзандларининг юз-кўзи, иштаҳаси(!)га қараб, унинг ҳолати, руҳиятини билиб турган. Ширин таом, ширин калом устида қилинган тушлик фарзандларни хонадонга қаттиқроқ боғлаган. Оила аъзоларига, отага, айниқса онага бўлган меҳрни оширган. "Онам шунчаки овқат қилиши керак бўлгани учун эмас, болам есин деб, меҳр билан уни тайёрлайдилар, — дейди бир танишим. — Уларнинг тайёрлаган овқатларидан баҳор ифори каби меҳр иси келади. Шунданми, ҳар кун уйга тезроқ боргим келаверади..."

Бугун кўпчилик ота-оналар фарзандининг қулоқсизлигидан, ҳали балоғат ёшидаёқ мустақил бўлиб қолишаётганидан, дил очиб гаплашмасликларидан нолийди. Балки бунга сабаб оилаларимизда юқоридагидек муҳитнинг йўқолиб бораётганидир?!

Мамлакатимизда Юртбошимиз томонидан жорий йилнинг "Соғлом она ва бола йили" деб номланган, шу номдаги дастур ижроси юзасидан олиб борилаётган ишлар бу каби муаммоларнинг олдини олиш, юртдошларимизда тиббий маданиятни ривожлантириш, эртамиз эгаларини соғлом, баркамол қилиб вояга етказишга қаратилган. Агар ушбу дастурга мурожаат қилсак, режалаштирилган ишлар доирасида она ва болаларнинг овқатланиш рациони сифати ва калориясини яхшилашга ҳам алоҳида банд ажратилганини кўрамиз. Қонунлар, қарорлар қачон амалга ошади? Қачонки, халқ уларни англаса, билса. Шунга яраша ҳаракат қилса. Шу боис ушбу дастурнинг том маънодаги ижроси, ижобий таъсири бизнинг ўзимиздан, ҳаракатларимиздан бошланади...

Яқинда бир ҳамкасбимиз хизмат сафарига борганида, бир неча оила бир хил мазмунда шикоят қилибди. Айтишларича, фарзандларини ҳарбий хизматга яроқсиз деб топишган экан. Аввалига кўринишидан соғлом кўринган йигитларга қараб кўнглига иштибоҳ тушган ҳамкасбимиз қабул комиссиясида бунинг сабабларини суриштирганларида йигитларда ошқозон яраси борлиги аниқланган. Ва уларнинг кўпчилиги то қабул комиссияси тиббий кўригига қадар, тегишли шифокорларга мурожаат қилишмагани учун, табиийки, касал эканликлари улар учун "янгилик" бўлган. (Бу ҳол тиббий маданият деган тушунчани яна бир бор ёдимизга солади.) Азалдан оналаримиз ўғил фарзанд дунёга келганида халқнинг ҳимоячиси, менинг ҳимоячим туғилди, деб севинишади. Ана шу ҳимоячингиз вояга етганида ватанга хизмат қилиш истагида бўлса-ю, бунга унинг саломатлиги йўл бермаса. Ўз вақтида берилмаган иссиқ овқат, бемаврид ейилган "импортний шоколад", "fast food", "coca cola" бунга тўсқинлик қилса, алам қилмайдими?

Бундай бўлмаслиги учун меҳрингизни бир бўлагини, вақтингиз, эътиборингизнинг озгинасини тайёрлаётган таомингизга қўшиб юборинг. Токи қайноқ меҳр, қайноқ олов оташида тайёрланган таом фарзандингиз юрагига, билагига, келажагига тиргак бўлсин.

Феруза ХАЙРУЛЛАЕВА,
"Hurriyat" мухбири

Лукма

Доно халқимизда "Босар изинг кўриб бос, орқа-олдини билиб бос", "Офат кўрмай десанг ҳушёр бўл", " Сақланмаган алп жардан қулар" каби мақоллар мавжуд. Бу мақоллар асрлар давомида шаклланиб, авлодларга ҳаётий насиҳат сифатида етиб келганлиги, оналарнинг сафарга отланган фарзандларини кузатаркан, "Йўлинг бехатар бўлсин!" деб дуо қилишлари бежиз эмас. Барчасининг замирида эҳтиёткорликка чақириш, ҳушёрликка ундаш маънолари мужассам.

Йўл ҳаракатига

ҚАЧОН АМАЛ ҚИЛАМИЗ?

— Дарсга 10 дақиқа кеч қолиб келаётган эдим. Автобусдан тушиб йўлнинг нариги томонига ўтишим керак. Пиёдалар ўтиш йўли сал нарироқдалиги сабабли мен тўғри йўлдан кесиб ўтмоқчи бўлдим. Машиналар ҳали узоқда, ўтиб кетаман деган хаёл билан йўлни кесиб ўта бошладим. Шу пайт катта тезлик билан келаётган машина менга салкам тегиб ўтиб кетди. Ҳали ҳам ўзимга кела олганим йўқ, – деб қолди бир курсдошим.

Кўпчилигимиз учун бу ҳолат таниш. Баъзан шошиб, баъзан паришонхотирлик билан йўлнинг белгиланмаган жойидан кесиб ўтамиз. Бунга кўп-да аҳамият беравермаймиз. Бир дақиқани тежаб қолиш учун умримизни гаровга қўяётганимизни ҳам билмай қоламиз. Масалан, пиёдалар учун қизил чироқ ёниб турса-ю, машиналар бўлмаса, дарҳол ўтиб кетишга шошиламиз.

Бир сафар автобус ҳайдовчиси билан суҳбатлашиб қолдим.

— Қулоқчин тақиб бепарво ўтиб кетаётган йўловчилар, тўсатдан югуриб йўлдан ўтиб кетувчилар, айниқса, йўл четида тўп-тўп бўлиб юрадиган мактаб, коллеж ўқувчилари биз ҳайдовчиларни қийин вазиятларга солиб қўяди, – деди у. – Агар бунақа вазиятларда бирор кўнгилсизлик юз берса, асосан, ҳайдовчилар айбдор бўлиб қолади.

Ҳақиқатдан ҳам йўл қоидаларига нафақат ҳайдовчилар, балки пиёдалар ҳам тўла амал қилишса, ҳар икки тараф ҳам бундан манфаат кўради.

Мамлакатимизда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда пиёдалар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бир қанча қонунлар, йўл ҳаракати қоидалари ишлаб чиқилган.

Албатта, бу қонунлар йўл ҳаракати қоидаларига амал қилинишини тартибга солиш баробарида фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда ҳам катта аҳамиятга эга. Шу билан бирга биз ҳам бироз эътиборли бўлиб қоидаларга амал қилсак, ўзимизнинг ҳам, бошқаларнинг ҳам азият чекишига йўл қўймасак, асосийси, ички тартиб ва интизомни шакллантириб борсак мақсадга мувофиқ бўларди.

Аъзамжон АБУЛФАЙЗОВ,
ЎзДЖТУ талабаси

Ким айбдор?

Бўлган воқеа

Ҳилола ёшлигидан енгилтабиат эди. Уни нимадир мажбур қилдими ёки буни ўзи хоҳладими, хуллас, онаси тутган йўлга кириб кетди. Онаси "Ҳаётга бир марта келасан, даврингни сур" дерди.

Ҳилола бу билан ўз бахтини йўққа чиқараётганини билмасди.

"Меванинг энг ширини қийшиқ бутоқда бўлади" деганларидек, ҳусну малоҳатда Ҳилолага етадигани йўқ эди. Қопқора эгма қошлари, мунчоқдек кўзлари, узун киприклари, ингичка лаблари ҳатто қизларнинг ҳам ҳавасини келтирарди. Аввалига Ҳилола бир йигит билан гаплашиб юрди. У ўшанда 5-синфда ўқирди. Сал ўтмай эса хушторларининг сони тўрттага етганини эшитдик. Бу ҳолатни ақлимизга сиғдиролмай уни бу йўлдан қайтармоқчи бўлдик. У бўлса, гапимизга парво ҳам қилмай, кўзларини сузганча, ажиб бир оҳангда: "Ҳали ёшсизлар-да, одам ҳаётга бир марта келади", — деди. Биз у пайтда телефон ишлатмас эдик, у эса қандайдир "дўстлари" билан телефонда тинмай суҳбатлашарди. Кейинчалик дарсга кам қатнашадиган бўлди.

Ҳилоланинг бу қилиқларидан ўқитувчиларимиз 9-синфни тамомлаш арафасида хабар топдилар. "Ҳадемай, дарслар ҳам тугайди", деб кўл силташди. Бундан хабар топган синф раҳбаримиз "қаттиқроқ гапириб қўйсак, ўзини бир нима қилиб қўймасин, бошимиз балога қолади, деган андишага бориб, ҳеч қандай чора кўрмади, аниқроғи, кўра

олмади. Бу пайтда Ҳилола оилали, икки фарзандли "таниши" билан учрашиб юрарди.

2010 йил, баҳор. Сўнгги кўнгироққа тайёрланаётган эдик. Сир бермайдиган Ҳилола ниҳоят ёрилди. "Эҳ, қанийди, дунёга қайтадан келганимда... Қанийди, вақт ортга қайтса! Ҳаммаси бошқача бўлармиди?!" – дея оҳ тортарди. Унга раҳми келган Фотима: "Ҳали ёшсан, бу йўлдан қайт, ўртоқ", — деди. У бўлса маъюс туриб: "Энди ортга йўл йўқ. Ҳаётим барбод бўладиганга ўхшайди", — деди. Кейин уни қайтиб кўрмадик.

Эшитишимизча, у Россияга кетибди. Биз қизлар шуни ҳам кулгига йўйдик. Ҳалигача ичим ачийди. Уни тўғри йўлга бошлаш қўлимиздан келмасмиди? Нега унинг тақдири бундай бўлди? Бунда нафақат бизнинг, балки кўрқоқлик қилган бутун бир мактабнинг ҳиссаси борлиги рост-ку! Ҳилоланинг бундай ишларини маҳалласидагилар биларди-ку ахир! Нега улар қўл қовуштириб ўтирдилар? Нега бунча лоқайдмиз? Биз-ку ёш эдик, катталар-чи, нега шундай воқеаларни кўриб, жимгина ўтиб кетаверишади одамлар. Ҳеч тушунмайман, тушунолмайман.

2014 йил куз. Уни яна кўрдим. Ҳилола энди она эди. Жажжи қизига Иймона деб исм қўйибди. Қизи иймонли бўлишини, ўзидек бахтиқаро бўлмаслигини тилаган бўлса, не ажаб.

Ҳар ҳолда ўз хатоларидан хулоса чиқарган кўринади...

Зухра НОРЙИГИТОВА,
ЎзМУ талабаси

Сўзимизнинг

Тариф

Халқни замонлар эврилишида унутилиб кетишдан асрайдиган асосий қиймат – унинг она тили ва сўзларидир. Туркий шажаранинг бақувват халқаси бўлмиш ўзбек лисонимизда сўзлар мўл-кўл ҳамда ранг-баранг: уларни хотира тегирмонидан олиб янада жаранглатиш фурсати етди. Сўзларни қайраб, ярқироқ ҳолатда жонли мулоқотга солиш лозим. Бу йўлда ҳар биримиз астойдил хизматга бел боғлашимиз мумкинга ўхшайди.

Мабодо, бирор сўзни танлаб олиб товушига қулоқ солсангиз, уларнинг ўзаклари қалқиб чиқаверади. Минг йиллик маънолари гулдек юз очиб, қутилмаган қирралари ўз жамолини кўз-кўз қилади. Агарда пайдо бўлган янги сўздан, сўз орқали маъносидан юзингизга табассум ёйилса – нур устига яна ҳам аъло нур бўлади.

Шеваларимизда битта номнинг турлича аталиши жуда қизиқ. Ўзбек тили грамматикасида бир сўзнинг ўнлаб синонимлари мавжуд. Биргина **"чеҳра"** сўзи *башара, турқ, юз, ораз, бет, афт-ангор, қиёфа, дийдор, кўриниш, авзо, ҳусн, жамол* каби шаклли ҳар-хил, лекин маъноси бир-хил эканига гувоҳ бўламиз.

Садриддин Айний ўз тахаллусига "айн" сўзининг 48 хил маъно беришини айтиб ўтади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида "иш" сўзи мавжуд. Бу сўз 13 та мустақил сўз орқали тажнис санъати (омоним)да иштирок этади.

Омоним сўзлардан фойдаланган ҳолда сўз ўйинларини яратиш **тажнис** *(жинос)* **санъати** дейилади. Бадиий адабиётда қўлланилган тўрт қаторли шеър – туюқ бўлиб, Алишер Навоий уни жанр сифатида асослаб берган. Илк туюқ Бурҳониддин Сивасий (XIV аср) қаламига мансубдир. Туюқ озарбайжонларда баёт, туркларда маъни, туркманларда лаъли номи билан учрайди. Худди бўлакланган сўзларга ўхшаб кетади. Шарада ҳам топишмоқ – сўз ўйини ҳисобланади. Бериладиган сўз бир неча бўлаклардан иборат бўлиб, ҳар бири бошқа-бошқа маъно англатади, яъни қўшма отли сўзлардан тузилади. Бутун ҳолатда эса янги маънодаги сўз пайдо бўлади. Улар кўпинча топишмоқ усулида ёзилади:

Ярми шакар,
Ярми заҳар. *(асал+ари)*

Беш ҳарфли адабий жанрга
"а" ҳарфи қўшилса математик
бир сўз ўқилади. *(масал+а)*

ҲАРФЛАР ТИЛГА КИРГАНДА

Муайян ғоявий мақсадни ўқувчига аниқ етказишда ёрқин ифода ва санъат усулларидан фойдаланиш – чинакам санъаткорларнинг диққат марказида бўлган. Ўтмиш шоирларимизнинг турли хил шеърий жанрлардан таркиб топган нодир куллиётларига назар ташласак, ўзига хос санъаткорликни кўрамиз. Фикри ўқувчига тоза, содда, равон етиб бориши учун улар қўллаган усуллардан бири – **ҳарфий** санъатлардир. Замона шуаролари алифбо тартибида девон тузганлар. Тасвирий ҳарфларни эски араб ёзувида ижод этган мумтоз адабиётимиз вакиллари – Увайсий, Огаҳий, Адо, Хожа, Атоий ғазалларида қўпроқ учратиш мумкин.

XIX асрда яшаб ўтган бухоролик шоир Мирза Раҳим Салимий мухаммасида барча ҳарфларни образлар орқали ифода этилганини кўрамиз. Болалик нигоҳи билан алифболарга қарасак, сеҳрли қиёфаларнинг гувоҳи бўламиз. **"У"** ва **"е"** ҳарфлари мустақил ўз маъносига эга. **"М"**– метро, **"Т"**– такси, **"А"**– автобекатлигини тушунамиз ва ҳоказо. **"О"**– нолга, **"З"**– учга, **"В"**– ўн учга, **"Ч"**– тўртга, **"С"**–ярим ойга, **"Х"**– Рим рақами ўнга ўхшашлиги барчани ҳайратга солади.

Дарвоқе, ҳазрат Навоий **"Зе"** ҳарфига "Зеболарнинг зийнати" ёки **"Нун"** ҳарфига "Нозанинларнинг нози" сингари сарлавҳалар қўйганки, бу адабиётшуносликда **алитерация**, яъни **тавзе** мавжудлигини намоён қилади. Товушлар оҳангдорлиги, асосан, бир хил товушларнинг такрорланишидан ҳосил бўлган оҳангдорлик **тавзе** бўлиб, бунда шеър, жумла, банд ва насрий асарларда ҳам бир хил товушлар *(сиртқи ва ички)*силсиласи такрорланади. Ана шундай жарангдорлик акс этган **"қ"** товуши Э.Воҳидов рубоийси ва Калонийнинг (*а, х, р, т, с, м товушларига)* қитъалари мисол бўлади. Умуман халқ ижодиётида бу каби мисоллар кўплаб кўзга ташланади.

МУВАШШАҲ

Мувашшаҳ *("безатилган")* – маънавий санъат турларидан биридир. Айни вақтда бунинг ўзи мустақил шеърий жанр ҳисобланади. Бунда шеър, асосан, ғазал шаклида ёзилади. Шеър мисралари бошидаги терма ҳарфлар йиғиндисидан бирорта исм ёки нарсанинг номи келиб чиқади. Мувашшаҳ жанрида инсон номи беркитилиб, ўша одам ҳақида таъриф берилади. Бошқача айтганда, хат бошидаги ҳарфларни тепадан пастга қарата ўқилганда, кишининг исмини билиб олиш мумкин. Баъзи ўринларда ички ва ташқи ҳарфлар тартибида ҳам бўлиши мумкин. Азалдан мактуб ҳамда ёдгорликларда, шунингдек, оят, ҳадис ва ҳикматли сўзлар шеър таркибига жойлаш мақсадида фойдаланилган. Дастлаб мувашшаҳ жанри IX-X асрларда Испанияда араб шоири Муқаддам ибн Муаф томонидан ижод қилинган.

Сўзларимизнинг бош мезонига қайта мурожаат қиламиз. Навоий таъбири билан айтганда, Ҳирот адабий муҳитида "сўз пардозчиси", "қасида майдо-

ҲИКМАТЛАР ХАЗИНАСИ

Мутолаа

Таниқли адиб Тоҳир Малик ўз мухлисларини яна бир янги асари билан мамнун этди. "Пўртанали уммонда сузар ҳаёт қайиғи" дея шоирона номланган, иккита китобдан иборат бу салмоқли асар "Шарқ" нашриётида чоп этилди. Тажрибали ношир Аҳрор Аҳмедов китобга муҳаррирлик қилган.



Асарда, асосан, икки йўналиш, икки мавзу устувор. Биринчиси — муаллифнинг таржимаи ҳоли, кўрган-кечирганлари, замондошлари ҳақидаги хотиралари, иккинчиси — ёзувчининг сўнгги йиллардаги кўпгина асарларида қаламга олинаётган мавзу — ахлоқий қадриятлар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари жамланган. Маълумки, дидактика шарқ менталитети, шарқ фалсафаси ва адабиётининг муҳим таркибий қисмидир. Бу мавзуда ўлмас асарлар битилган. Асрлар синовидан ўтиб, ҳали-ҳамон таълим-тарбия борасида муҳим қўлланма бўлиб келаётган машҳур "Қобуснома" ҳам дидактик асардир. Ёзувчи ахлоқий қадриятлар ҳақида ёзганда шунчаки умумий мулоҳазалар билан чекланмайди. Ҳамиша қамровни кенгроқ олади. Мавзуни атрофлича, теран ёритишга интилади ва аксар ҳолатларда мақсадга эришади. Айниқса, муқаддас динимизнинг моҳияти, асосий қадриятларини содда баён этишга алоҳида аҳамият беради.

Кундалик ҳаётимизда "ҳалол", "ҳаром" деган сўзларни кўп эшитамиз. Ўзбек қурашининг довруғи туфайли бу сўзлар халқаро миқёсда ҳам қўлланадиган бўлди. "Ҳалолга ҳаром аралашаверса, бировнинг ҳақидан қўрқув ҳисси танамизни бир марта ҳам жимирлатиб қўймаса, энг ёмони — бу тирикчилик воситасига айланиб улгурган бўлса, биз қандай одам бўлдик?" дея адиб огоҳлантиради. Ёзувчининг тўғрилик, ростлик ҳақидаги мулоҳазалари ҳам диққатга сазовордир. *"Инсондаги ажойиб хулқлардан бири ростлик — тўғриликдир. Тўғрилик одамдаги барча ишларнинг тартиб ва маромда кетишини таъминлайди. Тўғрилик издан чиқдими, демак, ҳамма ишларнинг тартиби бузилади. Хоҳ катта ва улуғ ишлар бўлсин, хоҳ кичкина ва арзимас амаллар бўлсин, агар диққат кўзи билан қаралса, уларда тўғрилик йўқ экан, ҳаммаси хароб бўлади. Барча турдаги ишларнинг бари тўғрилик билан барқарор, шу ишларни амалга оширувчилар эса тўғрилик билан бардам ва устиворлар. Ҳаётда одамнинг узоқ яшаши эмас, тўғри яшамоғи муҳимроқ".*

Бир қараганда жуда оддий, аммо худди ҳикматдай жаранглайдиган бу доно сўзларнинг маъноси нақадар ҳаққоний, тўғри ва нақадар ҳаётий! Дарвоқе, адиб илмига ўзи амал қилгани учун ҳам ҳаётда, адабиётда ўз ўрнини топиб, комилликка эришди. Сир эмас, ҳаётдаги жуда кўп муаммолар таълим-тарбиядаги ноқисликлар туфайли юз беради. Китобда ушбу муҳим мавзу юзасидан ҳам атрофлича, ўринли мулоҳазалар билдирилганки, уларни бефарқ ўқиш мумкин эмас. Адиб гўё китобхонга кўзгу тутади, мавриди келганда аччиқ ҳақиқатларни эсга солади. Маърифатли китобхон, таълим-тарбияга дахлдор ҳар бир одам ёзувчи куйинчаклик билан айтган сўзларнинг маъзини чақади.

Тарбиячилар, муаллимлар ёшларга Ватан ҳақида гапирганларида кўпинча умумий, китобий гапларни айтадилар, шу боис сўзларининг таъсири, салмоғи бўлмайди. Ёзувчи бу борада ҳам ибратли мулоҳазалар билдирган.

"Биз ватанни тинмай мадҳ этишни ватанпарварлик деб ўйлаймиз. Тўғри, мадҳ этмоқ ҳам лозим, аммо бу бир заррадир, холос. ...Донолар айтадиларки: "Ватанпарварлик — номусли ва назокатли туйғудир. Муқаддас сўзларни эҳтиёт қил, шамолга совурма. Ватанга муҳаббат хусусида дуч келган ерда оғиз кўпиртирма, яхшиси унинг фаровонлиги ва қудрати йўлида индамайгина меҳнат қил".

Муаллиф асарида фақат фазилатлар хусусида эмас, хиёнат, лафзсизлик, ялқовлик, ёлғончилик каби қусурлар борасида ҳам батафсил сўз юритади. Китобда диққатни жалб қиладиган яна бир фазилат кўзга ташланиб туради. Ҳар куни, ҳамма ерда эшитиб юрганимиз мақол, ҳикматлар замиридаги теран маъноларни адиб китобхонга содда тилда, мағзини чақиб, қайтадан "таржима" қилиб бераётгандек туюлади. Тоҳир Малик китобида тилга олинган масалаларни бевосита ҳаёт йўлида қузатган ёки ўз бошидан кечирган воқеалар мисолида қизиқарли тарзда баён этгани асарнинг муҳим фазилатларидан биридир. Муаллифнинг бевосита таржимаи ҳоли билан боғлиқ бўлган иккинчи йўналиш китобхонни янада кўпроқ қизиқтириши табиийдир. Тоҳир Малик таржимаи ҳолида кўзга яққол ташланадиган бир ҳолатга алоҳида тўхталиш жоиз. Маълумки, мустақилликдан илгари газета, журналлар саноқли бўлгани боис таҳририятларга ишга кириш осон бўлмаган. Тоҳир Малик эса ёзувчи сифатида анча-мунча танилгани ва ишга масъулият билан ёндошгани учун харидорлари кўп бўлган. Хотиралар китобида тўғрисўз адиб ўзининг айрим камчиликларини ҳам очиқ ёзади.

Умуман, ёзувчи китобида айрим хотираларда бўлганидай, ўзини идеаллаштирмайди. Ҳаёт йўлида яхшига ҳам, ёмонга ҳам кўп йўлиқади. Меҳрибон устозлари — Мирзакалон Исмоилий (туғишган тоғаси), Қуддус Муҳаммадий, Асқад Мухтор, Носир Фозилов, замондош ижодкорлар — Омон Мухтор, Шукур Холмирзаев, Машраб Бобоев, Рауф Парфилар ҳақида, уларнинг бетакрор ижоди, инсоний фазилатлари ҳақида самимият ва холислик билан ҳикоя қилади. *"Ижод оламида топган акаларим ҳақидаги хотираларни мен "У тирик!" деган ишонч билан ёзаман"*, дейди адиб. Балки ана ўша ишонч меҳр, соғинч туйғуси билан омухта бўлгани боис муаллиф ҳамнафас бўлиб яшаган замондошларининг сиймосини уста мусаввир янглиғ бир-икки чизги билан ёрқин гавдалантира олган.

Ёзувчининг номини янада машҳур қилган, қисқа бир вақтда қайта-қайта босилган асар — "Шайтанат"нинг ёзилиш тарихи китобхонларни қизиқтириши табиий эди. Адиб хотиралар китобида бу истакларни ҳисобга олиш баробарида, "Ҳикмат афандининг ўлими", "Фалак", "Бир кеча, бир кўча", "Чорраҳа", "Иблис девори", "Одам ови", "Мурдалар гапирмайдилар", "Самум", "Алвидо, болалик..." каби асарларининг яратилиш тарихи ҳақида қизиқарли маълумотларни баён қилади. Бу самимий ҳикоялар адибнинг адабиётдан ўз ўрнини топиш учун астойдил интилгани, истеъдод интизомли меҳнат билан уйғунлашса саъй-ҳаракатлар яхши самара беришини кўрсатади.

Ҳар қандай мемуар асарда муаллиф истайдими, йўқми, ўзининг портретини, характерини ҳам яратади. Китобхонлар шу маҳалгача Тоҳир Маликни баркамол асарлар ёзган машҳур адиб сифатида билишар эди. Мана энди улар адибнинг оиласи, шажараси, шахсияти, феъл-атвори, ижодхонаси, асарларининг яратилиш тарихи, у яшаган даврнинг муҳим хусусиятлари, адабий муҳити, замондошлари билан ҳам яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдилар. Асарнинг қиймати ҳам шундадир.

Тоҳир Малик асарларини таҳлил қилганда адиб услубининг ўзига хослиги, бетакрор оҳанги, самимияти, равонлиги, тилининг ширадорлиги, беқиёс юмори ҳақида сўзламаслик мумкин эмас. Айниқса, китобхонга завқ-шавқ берадиган ажойиб ҳазил-мутойибалар асарга алоҳида жозиба бахш этган. Китобда баҳсли ўринлар ҳам йўқ эмас. Такрорлар учрайди. Иккинчи китобнинг "Сароб" деб номланиши мантиқан тўғри эмасдай... Шунингдек, айрим тафсилотлар ҳаддан зиёд чўзилиб кетган. Адиб буни ўзи ҳам сезган шекилли, ахён-ахён китобхонни толиқтириб қўйгани учун узр сўрайди. Бу камчиликлар асарнинг умумий қиймати пасайтиролмайди, албатта. Оммавий маданият ниқоби остида турли бало-қазолар ҳар томондан хуруж қилиб келаётган бир даврда маънавиятимизнинг янада баркамоллашувига хизмат қиладиган, тарбиявий аҳамияти юксак мақомда бўлган шундай керакли китобнинг ёзилиши айни муддаодир.

Шодмон ОТАБЕК

Улуғлар сабоғи

Бу хайрли бинолар қурувчиси 904 йилда Ҳирот жоме масжиди биносини янгилаш ва зийнатлаш ишига қаттиқ уринмоқда эди. У шарофатли бино битикларини ёзиб беришни Хожа Мирак наққош лақаби билан машҳур Сайид Руҳуллоҳга юклатди. У киши бу тўғрида бепарволик йўлини тутиб, қўлини қоғоз-қаламга кечроқ узатди.

Нозик тадбир

Наққошлар унга қараб қолиб, ишламасдан турдилар. Бу аҳвол ҳаддан ошиб кетди ва насиҳату қаттиқ сўзлар фойда бермади. Бунинг учун соф кўнгил Амир қизиқ бир тадбир ўйлади: Хожа Мирак Ҳирот атрофидаги "Сайид равон" қишлоғида истироҳат қилаётган пайтда, Хожа Жалолиддин Муҳаммадга, Девони аълодан олган беш минг динор кепакийни қайтариш тўғрисида Сайид жанобларига барот (подшоҳ ёрлиғи) ёзишни буюрди. Бу қоғозни Сайид жаноблари танимайдиган икки нафар мулозимга бериб, буларга ўша қишлоққа бориб, Хожа Миракни қўлга олиб, мазкур маблағни қаттиқ даҳшат билан талаб қилсинлар ва биз шаҳзода Фаридуддин Ҳусайн Мирзо навкаримиз, десинлар, деган амр берилди. Бу икки шахс ўша қишлоққа чопиб бориб, Хожа Миракни топдилар ва қўпол ҳаракатлар билан маблағни талаб қилдилар.

Сайид жаноблари бу ҳодисани кўриб, ҳайрат дарёсига чўмди:

— Мени жоме масжидига олиб боринг, уни қайтарай ёки пулни топишга ҳаракат қилай, — деди.

Мулозимлар уни ўз уйига олиб бориб, кечаси сақладилар. Сайид эртасига жуда қаттиқ зорланиб, сохта ясовуллардан илтимос қилдики:

— Мени жоме масжидига олиб боринг, шоядки Амир ҳолимга раҳм қилиб, девон амалдорларига киши юборар, қўлингиздаги ёрлиқни бошқа жойга ўтказиб, бу маблағни менинг бўйнимдан олиб ташлардар.

Мулозимлар бу илтимосни қабул қилиб, Хожа Миракни масжидга олиб бордилар. Бу жаноб Олий ҳазратнинг муборак қадамлари турган жойга етишиб, кўз ёши қилиб, арз айладилар-ки:

— Камбағаллик учига чиққан шундай бир вақтда, беш минг динор кепакий маблағни банданинг номига ёзибдирлар. Агар марҳамат қилиб, бу қоғозни қайтариш чорасини кўрсалар, умид қиламанки, қиёматда улуғ боболарим сизга нисбатан узрхоҳлик маросимини бажарурлар.

Олий ҳазрат:

— Бу қоғозни қайтариш анча мушкул, шундай бўлса-да, мумкин қадар тиришамиз, шу шарт биланки, сиз ҳам ўн беш кун муддат ичида бу муборак жой ёзуви ташвишидан бизнинг кўнглимизни тинчитиб қўйсангиз, — деди.

Хожа Мирак қабул бармоқларини кўзига қўйиб, бу хусусда бир тилхат ҳам ёзиб, унга шу сўзларни киритди: "Агар белгиланган муддатдан бирор кун ўтса, маблағ тўғрисида узрсиз жавобгар бўламан".

Шундан кейин Олий ҳазрат Амир Камолиддин Ҳусайнга айтди:

— Хожа Миракни келтирган мулозимлар билан девон бошига бориб, ҳар қандай йўл билан бўлса-да, бу ёрлиқни қайтаринг.

Сайид жаноблари шод ва хурсанд бўлиб, ўз манзилига югуриб кетди, ёзув ишига киришди, бу ишдан тамомила бўшамагунча, ҳалиги ёрлиқ ваҳмидан, ташқарига чиқмади.

("Макоримул-ахлоқ"дан)

олмос қирралари

нининг чавандози" ва "ўз замонасининг мислсиз сўз устози" деб тан олинган Хожа Савожий ва Мавлоно Котибийнинг "Даҳ боб" *("Ўн боб")*, Мавлоно Аҳли Шерозийнинг достонлари бошдан-оёқ икки вазнли ва қўшқофияли бўлиб, қофияларнинг биринчиси — тўғри сўзлардан, иккинчиси — тажнислардан ташкил топган. Бу алломаларнинг катта-кичик қасидалари ҳам мувашшаҳ шаклида ёзилган. Шеърнинг айрим сўзларидан ёки байтларнинг бошланиш ҳарфларидан янги шеърлар келиб чиқади. Шунақа усуллар билан келиб чиққан рубоий ва қитъаларда яна ўзига хос **"санъат"** мавжуд бўлади. Бу жанрнинг мукаммал намуналари Мунис, Огаҳий, Шавқий, Увайсий, Муқимий, Фурқат, Мақсуд Шайхзода, Эркин Воҳидов каби шоирлар ижодида равнақ топган.

Ой десам офтоба ўхшар,
дилрабо ҳайронларинг,
Жонима қасд отламоқда
тийрати мужгонларинг

деб бошланадиган ғазал-мувашшаҳ шоир Ёлқин қаламига мансуб бўлиб, санъаткорлар мураббийси Овтодхон Муродовага атаб ёзилган. Етти банддан иборат ғазалнинг бош ҳарфлари биттадан ташланиб, бўйига ўқилганида — "ОВТОДХОН" исми пайдо бўлади.

АННОГРАММА

Аннограмма — қизиқарли бошқотирмалардан бири бўлиб, ажойиб сўз ўйини ҳисобланади. Унда туб маънода берилган яхлит сўздаги ҳарфларнинг тартиб ўрнини бегона ҳарф қўшмасдан янги мустақил сўз ҳосил қилинади. Масалан, ***"номли"*** сўзини олайлик. Ундаги мавжуд ҳарфларнинг ўрнини алмаштириш орқали "лимон" сўзини ясаш мумкин. Шунингдек, ***"симоб"*** сўзидан ***"босим"***, ***"тўра"*** сўзидан ***"ўрта"*** сўзлари келиб чиқади.

Аннограмма юнон грамматиги Ликофрон томонидан эрамиздан олдинги III асрларда кашф қилинган.

5

Қадимги адабиётчилар деярли ўз тахаллусларини, ҳатто яратган асарлари номини шеърий лавҳаларда жозибали намоён этишни уддалаганлар. Бу санъат Шарқ адабиётида *"Мақлуб"* ва *"Қалб"* (матетеза) номи билан маълум. Абу Али ибн Сино айтади: "Рамазон — озарман". "Рамазон" сўзи 1,2,3,4,5,6,7 = 6,5,2,1,3,6,7 тартибида ҳарфлар ўрин алмашган, холос. Бунга қуйидаги **рубоий**лар мисолида амин бўламиз:

Одам ўз юртида хизмат топади,
Ўнади, ўсади, лаззат топади.
Ватану элига "тизза"син буккан
Бир умр иқболу "иззат" топади.

(Муҳиббий)

Энди **топишмоқ** шаклидаги оддий аннограмма билан танишайлик:

Ўсимлик-ки, ёввойи,
Далада ўсар жойи.

Бир ҳарф ўрин алмашса —
Иситгичлар бинойи. (печак — печка)

Тез айтишмоқларда эса биринчи қатордаги сўзнинг аннограмласи иккинчи қаторда кўриниш бермоқда:

Лофчи фолчимас, *Дакан қисилган,*
Фолчи лофчимас. *Андак сиқилган.*

Назармат — Матназар.
Нарзуллаев — Назруллаев.
Нашида — андиша.
Арасот — асорат.

Шикоятнома — шикоятнамо.
Хонадон — донхона.
Олчинбек — лочинбек.
Банорас — Санобар.

Мирза Ҳайит Саҳоб (1845/46-1918) — Бухоро заминида яшаб ижод этган зуллисонайн (икки тилда ижод қилувчи) шоирдир. Қуйидаги шеърий парча орқали Саҳобнинг халқ тилида "Саҳбо" тахаллусига айланишини кўрамиз:

Йўлига жон ила Саҳбо бошини
айлайин қурбон,
Ҳама абётим ул ой учун бошин
фидо қилмиши.

6

Писандий (1875-1916) ҳам Самарқанд диёрида ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ёзган зуллисонайн шоирлар сирасига киради. Отаси шоир Сипандий таъсирида жуда эрта ижод бошлаган. Отаси — Сипандий, ўғли Писандий тахаллусида биринчи ва учинчи ҳарф ўрин алмашганлиги осонгина аннограммали номни намоён қилмоқда. Жуда ўйқаш, айни вақтда, ноёб тахаллуслар ҳисобланади.

ПАЛИНДРОМ НИМА?

"Палиндром" — грекча сўз бўлиб, *"орқага қайтаман"* маъносини англатади. У бирор сўз ёки жумланинг бошидан ҳам охиридан бир хил ўқилиб, битта маъно берувчи сўзлардан иборатдир. Кўпгина ўқувчилар буни қизиқарли сўз ўйини, яъни сўзларни тўнтариш деб билишади. Бир мисол асосида палиндром сўзига мурожаат этамиз. Рус ёзувчиси А.Толстойнинг "Олтин калитча" эртагида Малвина исмли қўғирчоқ Буратинога ўқиш билан ёзишни ўргатади. Шунда у ажойиб бир жумлани айтиб туради: "А Роза упала на лапу Азора" (таржимаси: Роза Азорнинг панжасига йиқилди). Бу қизиқарли жумла асрдан-асрга ўтиб келяпти.

Илк бор палиндром думалоқ нарсалардан пайдо бўлгани маълум. Энг қадимий палиндром ёзувларни лотинча ҳарфларда (эрамиздан олдинги IV асрларда юнон заминида ибодатхона, сарой деворларида) — мантиқий квадратларда учратиш мумкин. Сеҳрли квадратларимизга ўхшаб кетса-да, улардан бутунлай фарқ қилади. Қадимги юнонликлар жодули кучга эга деб билган қуйидаги сўзларни айнан ўзини келтирамиз:

Бу сеҳрли квадратлардаги сўзлар фақат бўйига ва энига — горизонталига ўқилади.

7

1.

С	А	Т	О	Р
А	Р	Е	П	О
Т	Е	Н	Е	Т
О	П	Е	Р	А
Р	О	Т	А	С

2.

К	А	Р	А	М
А	Р	А	Ф	А
Р	А	Ш	И	Д
А	Ф	И	Н	А
М	А	Д	А	Д

Деярли барча халқлар сўзлашувида палиндром сўзлар кўплаб учрайди. Ўзимизнинг лисонимизда эса ***"ими-жими"***, ***"азза-базза"***, ***"ана-мана"***, ***"у-бу"***, ***"ақа-бақа"*** каби эгизак, ***"оббо"***, ***ача, ақиқа, Азиза, Таҳлат, Афифа*** сингари бирламчи палиндром сўзларга дуч келамиз. Алишер Навоий адабиётимизда **"маснуъ"** мавжудлиги ҳақида ёзаркан, Мавлоно Фасиҳ Румий ҳақида қисқа маълумот бериб, уни: "донишманд киши эрди... Хожа Салмоннинг маснуъ қасидасига татаббуъ қилибдур... Ҳазрат шайхнинг "Маҳзанул асрор"иға жавоб айтибдур..." дейдилар. Абдураҳмон Жомий ҳам шундай санъатда шеърлар яратишда бебаҳра қолган эмас. Бунга ўзбек шоирлари ижодида ҳам кўплаб мисоллар топилади. Масалан, Огаҳийда:

Ул шўҳки очилди хату рухсори
Очилди раёҳинда юзи гулнори
Хату юзи бесабру қарор манман
Рухсори гулнори ман ман зори.

Ҳазрат Навоий ғазалида эса бу ҳолат янада мазмунли кўриниш олади:

*Кўзинг не **бало қаро** бўлибтур,*
*Ким жонга **қаро бало** бўлибтур.*

ЛОГОГРИФ

Логогриф — ажойиб бошқотирмалардан бири бўлиб, сўз ўйинлари туркумига киради. У метограммадан кескин фарқ қилади. Логогрифда топилган сўздан бирор ҳарф олиб ташланади ёки янги бирорта ҳарф қўшилиб, мустақил сўз ясалади. Масалан, ***"баҳор"*** сўзидан охирги *"р"* ҳарфи олиб ўқилса, ***"баҳо"*** сўзи қолади. ***"Ирок"*** сўзига *"м"* ҳарфини жуфтлаганимизда янги ***"ирмоқ"*** сўзи пайдо бўлади. Шунингдек, бошқа вариантлари ҳам бўлиши мумкин.

8

МУАММО

Муаммо — арабча сўз бўлиб, яширилган ҳамда беркитилган маъноларини англатади. Муаммо жанр сифатида қўлланилиб, асосан бир байтдан ташкил топади. XV асрдан бошлаб Хуросон ва Мовароуннаҳр адабий муҳитида кенг тарқалган. Буюк мутафаккир Алишер Навоий ўзининг "Мажолис ун-нафоис" асарида фақат муаммо ёзиш билан шуғулланган Мавлоно Муаммоий, Мавлоно Арғун, Восифий ва бошқалар ҳақида маълумот бериб ўтади. Шунингдек, ҳазратнинг ўзлари ҳам ўзбек тилида 50 дан ортиқ, форс-тожик тилида ("Девони Фоний" тўпламида) 400 га яқин муаммо яратган.

Бундай ўйлаб қараганимизда, қўшма сўзлар, бўлакланган жумлалар шарадага, ҳарфлар алмашиниши **аннограмма**, **метограмма, логогриф**ларга ўхшаб кетади. Уларнинг умумлашганини — яхлит бир **муаммо** деса бўлади. Имкон қадар ҳозирги давримизга мос тарзда ёзилган муаммони эътиборингизга ҳавола этамиз:

Учиб ўтди оққуш галласи,
Қушни отди ким, туш палласи?

(***"Оқ"*** қолади, ***"қуш"*** йўқ.)

Тўртов Самарқандга бордик биз кеча,
Ширалари улашиб қолдик бир кеча.

(***"Самар"*** қолади, ***"қанд"*** улашилган.)

Булбул куйласа, ул Моний кулиб турар,
*Дил йиғласа, **бенаво иймон** келтирар.*

(***"Навоий"*** сўзи яширилган.)

Дарҳақиқат, ўзбек тили ниҳоятда бой ва жозибали, айни пайтда, кўркам ва сержило тилдир. Унга қанчалик кириб борсак ёки ўзлаштирсак - янгидан-янги қирралари юз очиб, бетакрор оҳанглари шунчалик юракларни забт этаверади. Эндиги вазифа тилимизни ёт-унсур иллатлардан қаттиқ ҳимоя қилиш ва сўзимизнинг олмос қирраларига қанот бағишлашдан иборатдир. Шундай экан, тил равнақи ва ривожи учун барчамиз бирдек масъул, бирдек курашмоғимиз лозим бўлади:

9

Анвар МИРЗАЗОДА,
тадқиқотчи

Онажонларимиз қўшиғи янгради

Номоддий маданий мерос

Алла момоларимиздан мерос бўлиб келаётган азиз ва мўътабар қўшиқдир. Бу қўшиқни сўз билан таърифлаб бўлмайдиган ўзига хос оҳанги, сеҳри, жозибаси бор. Ана шу оҳанг гўдакларни сеҳрлайди, унинг мурғак вужудига ором бағишлайди. Алла фақат сеҳрлаб ухлатувчи эмас, балки гўдак қалбига эзгулик туйғуларини сингдирувчи жонбахш малҳамдир.

Зотан, онажонларимиз ўзларининг эзгу- орзуларини, пок ниятларини алла орқали тараннум этадилар. Мутахассислар она алласини эшитиб улғайган болалар ўзининг дунёқараши, инсоний фазилатлари билан бошқа тенгдошларидан ажралиб туришини исботлаган. Алла гўдаклар сиҳат-саломатлигига ҳам ижобий таъсир қилар экан. Хуллас, "алла" деб аталмиш ажойиб қадриятимизнинг қадрлашга арзийдиган фазилат ва хосиятлари ғоятда бисёр. Бўлажак оналар – қизларимиз ўсмирлик чоғлариданоқ алла қўшиқларини ўрганиб айтишса, уларни шунга рағбатлантирсак, ушбу миллий қадриятимизни янада эъзозлаган бўламиз.

Юртимизнинг аксарият хонандалари "Алла"ни қўшиқ сифатида моҳирона ижро этганлар. Улар орасида «Алла», «Кўнгил», «Кўрмаган бўлсам сени», «Одоб билан», «Кўркам Ватаним», «Най навоси», «Ошнолигинг», «Барно йигит», «Сабо билан», «Ўзинг», «Най деб» сингари қўшиқлари билан эл орасида машҳур бўлган Ўзбекистон халқ артисти Ҳабиба Охунованинг ижроси алоҳида ажралиб туради. Ёш хонандалар орасида устоз йўлидан бораётган, у бошлаган ижро усулини давом эттиришга астойдил интилаётганлар кўпчиликни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар Республика илмий-методика маркази ташаббуси билан "Олтин мерос" халқаро хайрия жамоат фонди, Республика "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси ҳамда Наманган вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлигида Наманган шаҳрида Ҳабиба Охунова соврини учун алла қўшиқлари ижрочиларининг республика кўрик-танловини ташкил этди.

"Соғлом она ва бола йили" давлат дастури ижросини таъминлаш, оналарга юксак эҳтиром кўрсатиш, миллий анъана ва урф-одатларимизни ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш, халқ маънавиятини юксалтиришга хизмат қилувчи онанинг болага бўлган меҳр-муҳаббати, умид ва орзулари, яхши ният ва тилакларини англатадиган, унинг руҳий кечинмаларини ифодалайдиган алла қўшиқларини чуқур ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ўтказилган мазкур беллашувда республикамизнинг барча вилоятларидан алла қўшиқлари ижрочилари қатнашди.

Кўрик-танловда ёш ижрочиларни кашф этиш, уларни қўллаб-қувватлаш, иқтидори ва маҳоратини намойиш этиши учун янги имкониятлар очилди, десак хато бўлмайди. Алишер Навоий номидаги вилоят мусиқали драма театрида ўтказилган беллашувлар якунига кўра, наманганлик Сарвиноз Сотволдиева ва навоийлик Хумора Муҳаммадқуловалар энг яхши алла қўшиғи ижрочилари деб топилди.

Андижонлик Зиёда Абдиева, самарқандлик Гўзал Ибрагимовалар Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методика марказининг II даражали, қорақалпоғистонлик Гулнур Манбетназарова, хоразмлик Дилбаржон Бектурдиева ҳамда бухоролик Машҳура Раҳматовалар III даражали диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

"Энг ёш ижрочи" номинацияси бўйича Наманган вилоятидан Умида Аҳматбоева, "Энг яхши урф-одат ва анъаналар тарғиботчиси" номинациясида Сурхондарё вилояти жамоаси ғолиб деб топилди.

Ўктам АБДУЛЛАЕВ

Rio–2016

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз хотин-қизлари бадиий гимнастика, енгил атлетика, сузиш спорт турларида олимпиада мусобақаларида иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаганини яхши биламиз. 19 ёшли Ёдгорой Мирзаева эса мамлакатимиз бокси тарихида илк маротаба ёзги олимпиада ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

ЧИН ЮРТИДА ЧИН ҒАЛАБА

Ушбу ғалаба жорий йилнинг 28 март — 3 апрель кунлари Хитойнинг Куинан шаҳрида бокс бўйича XXXI ёзги Олимпиада ўйинларининг йўлланмалари учун ўтказилган Осиё ва Океания қўшма лицензион чемпионатида қўлга киритилди. Ёдгорой Мирзаева ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, спортнинг бокс турида ёзги олимпиада ўйинларига чиққан биринчи аёл спортчи бўлиб тарихга кирди. У Куинан рингларида финалгача барча рақибаларини енгиб олимпиада талабларини бажарди (Мусобақа регламентига кўра финалга йўл олган боксчиларга Рио «чипталари» тақдим этилган). Ўзбек қизининг қайд этган натижаси билан барчамиз ҳар қанча фахрлансак арзийди. Чунончи, Куинанда тўрт йилликнинг муҳим спорт байрамида иштирок этиш учун икки қитъанинг энг сара чарм қўлқоп усталари жам бўлишган эди. Вакиламиз ғалаба йўлида индонезиялик Биатрикс Сугурони, Шимолий Корея вакиласи Ри Хуанг Минни, Хитой Тайпейи боксчиси Лин Ю Тинни мағлуб этиб, катта муваффақиятга эришди. Якунда у турнинг кумуш медали билан тақдирланди.

Ёдгорой 1996 йилда Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманида туғилган. 10 ёшидан буён спортнинг бокс тури билан шуғулланиб келади. Шу кунга қадар аёллар ўртасида икки карра мамлакат чемпиони бўлган. Айни пайтда қаҳрамонимиз Самарқанд давлат университетида таҳсил олмоқда. Таъкидлаш керакки, сўнгги йилларда Самарқанд вилоятида аёллар спорти жадал ривожланмоқда. Айниқса, Ёдгорой сингари профессионал спортчи қизларнинг қишлоқ ҳудудларида етишиб чиқаётгани қувонарлидир. Бу албатта, мамлакатимизда хотин-қизлар спортини қўллаб-қувватлашга берилаётган эътибор самарасидир.

Куинан ринглари йигитларимизга ҳам анча муваффақият олиб келди. Жумладан, Ҳасанбой Дўсматов 49 килограммгача бўлган вазнда, Шаҳобиддин Зоиров 52 килограммгача вазнда, Шаҳрам Ғиёсов 69 килограммгача бўлган вазнда, Элшод Расулов 81 килограммгача бўлган вазн тоифасида, Рустам Тўлаганов 91 килограммгача оғирликда ва Баҳодир Жалолов эса 91 килограммдан оғир бўлган боксчилар беллашувида финалгача барча рақибларини енгиб, олимпиада қатнашчилари сафидан жой олишди. Улар олдиларига қўйган вазифани тўла бажарган бўлсалар-да, олтин медаль учун курашларда бор имкониятларини ишга солишди. Финалда рингта чиққан боксчиларимиздан фақат Баҳодир Жалолов кумуш медаль билан чекланди холос. Қолган беш нафар чарм қўлқоп усталаримиз турнирнинг бош соврини билан юртга қайтишди.

Икки қитъанинг жами 35 давлати вакиллари иштирокида бўлиб ўтган мазкур мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси бешта олтин, иккита кумуш ва битта бронза медаллари билан биринчи, мезбон — Хитой терма жамоаси иккинчи, Қозоғистон вакиллари эса учинчи ўринни эгаллашди. Таъкидлаш керакки, Хитойда мезбон мамлакат атлетларини, спортнинг қайси тури бўлишидан қатъи назар енгиш, ортда қолдириш жуда қийин иш. Айниқса, яккакураш спорт турларида нафақат осиёда балки жаҳонда ҳам хитойликлар етакчи ҳисобланади. Буни улар олимпиада мусобақалари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида бир неча карра исботлашган. Шундай бўлса-да, юртимиз боксчилари улардан асло қолишмасликларини намоён этишди.

Аввал хабар берганимиздек, 2015 йили Қатар пойтахти Доҳа шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида атлетларимиздан уч нафари — Муроджон Аҳмадалиев, Элнур Абдураимов, Фазлиддин Ғоипназаров ва Бектемир Меликўзиев олимпиада йўлланмаларини қўлга киритишган.

Рио-де-Жанейро рингларида эркаклар ўртасидаги беллашувларда вакилларимиз 10 та вазн тоифасида ва аёллар боксида эса битта вазнда чиқишади. Шу пайтта қадар ўтказилган тўрт йилликнинг муҳим спорт мусобақасида Ўзбекистон боксчилари фақат бир маротаба 10 та вазн тофасида иштирок этишган. Бу гал эса улар 11 та вазнда йўлланмаларни қўлга киритиб, тарихни янгилашди.

XXXI ёзги олимпиада ўйинларининг бошланишига ҳам тўрт ойдан кам вақт қолди. Айни пайтда дунё спортчилари ушбу нуфузли мусобақага қатнашиш учун баҳсларга қизғин киришган. Мамлакатимиз спортчилари ҳисобидаги йўлланмалар сони 60 тага етди. Улар бокс бўйича 11 та, енгил атлетикада 8 та, байдарка ва каноэда эшкак эшишда 5 та, оғир атлетикада 5 та, спорт курашларида 3 та, сузиш бўйича 2 та, таэквондо (WTF) йўналишида 1 та йўлланмани қўлга киритишган. Қолган 25 та лицензия эса паралимпиячиларимиз ҳисобига тўғри келади.

2012 йилдаги Лондон олимпиадасида Ўзбекистон терма жамоаси 64 та спортчи билан иштирок этган эди. Мусобақалар бошланишига тўрт ой вақт борлигини эътиборга олсак, бу сафар спортчилар сони анча ошиши мумкин. Аммо олимпиадага қатнашувчилар сонининг ортиши спортчиларимизнинг юқори медаллар учун курашишларига кафолат бўла олмайди. Эсингизда бўлса, Лондон олимпиадасида спортчиларимиз энг паст натижани қайд этишган эди. Бундан тўғри хулоса чиқарган Ўзбекистон Олимпия қўмитаси барча спорт федерациялари олдига йўлланмаларни қўлга киритиш ва олимпиадага спортчиларни мукаммал тайёрлаш бўйича аниқ кўрсатмаларни қўйди. Ушбу вазифаларни мукаммал адо этган айрим спорт федерациялари бугунги кунга келиб талабни бажарди. Бокс федерацияси томонидан олиб борилган юқори даражадаги ташкилий ишлар натижасида эса боксчилар қолган спорт турлари вакилларидан яхши натижа қайд этишди.

Жобир ХЎЖАҚУЛОВ,
«Hurriyat» мухбири

Reklama o`rnida

MIKROKREDITBANK

Тадбиркорлик равнақи — фаровонлик мезони

Молия муассасаларида

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни ва аҳамияти тобора юксалиб бораётир. Соҳага кўрсатилаётган эътибор, тадбиркорларга яратилаётган шарт-шароитлар туфайли иқтисодиётимиз тез суръатларда ўсиб бораётганини кўриб турибмиз. Албатта, бу борада юртимиздаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга ихтисослашган йирик молия муассасаларидан бири «Микрокредитбанк»-нинг алоҳида ўрни бор.

Мазкур банк томонидан соҳага молиявий мадад берилаётгани ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 10 ноябрдаги "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан ҳам жорий йил давомида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда юртимизда фаолият олиб бораётган барча партиялар билан ҳамкорликда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш жойлари ташкил этиш, аҳоли кенг қатламлари учун, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ва хотин-қизларнинг банк хизматларидан фойдаланишларини янада кенгайтириш мақсадида янги лойиҳалар тайёрланди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари банк хизматларидан тўлақонли фойдаланишини таъминлаш мақсадида банкнинг барча филиалларида мижозлар учун ташкил қилинган "Тадбиркорлар бурчаги" соҳага оид сўнгги қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминланган. Мижозларга қулайлик яратиш мақсадида Барча филиалларда ташкил қилинган "Тадбиркорлар хонаси" кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига маслаҳатлар бериш мақсадида юқори малакали масъул ходимлар бириктирилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерликни янада ривожлантириш, оиларни янада мустаҳкамлаш, аёлларнинг оила ва жамиятдаги роли ва мақомини ошириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш, иш билан бандлигини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг биринчи чораги давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини кенгайтириш мақсадида ажратилган кредитлар миқдори 217,3 миллиард сўмни ташкил этди. Шундан 66,0 миллиард сўми имтиёзли микромолиявий хизматлар ҳисобланади.

Банк томонидан оилавий, хусусий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик субъектларига 15,3 миллиард сўм миқдорида, ўзининг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига эса 12,4 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилди. Вилоятлардаги ўрта махсус касб-ҳунар коллежи таълим бошқармалари билан ҳамкорликда "Банк ва коллеж ҳамкорлиги" лойиҳасининг амалга оширилаётгани бу борадаги ишларни янада жонлантирмоқда. Банк томонидан кўрсатиладиган микромолиявий хизматларни аҳоли кенг қатламига етказиш мақсадида жойларда доимий равишда тадбиркорлик субъектлари ҳамда коллеж битирувчилари билан учрашув ва семинарлар ташкил этилмоқда. Мижозларга янада қулайлик яратиш, фуқароларнинг фикр-мулоҳазаларини, эътирозларини мунтазам ўрганиб бориш мақсадида ҳар бир филиалда "Банк ва мижоз: жонли мулоқот" куни мунтазам ташкил этилмоқда.

Аҳолининг моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида жорий йилда ҳам улар учун қулай ва жозибадор омонат турлари жорий этилиб, барча омонат турлари бўйича оммавий ахборот воситаларида тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Банкнинг барча филиалларида ташкил этилган «Омонатчилар бурчаги»да банк томонидан таклиф этилаётган омонат турлари тўғрисида маълумотлар кенг ёритиб борилмоқда.

Кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳажмини кенгайтириш мақсадида халқаро молиявий институтлар кредит линиялари ва грантларини жалб қилиш ва ўзлаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Халқаро молия ташкилотлари, хориж банклари ҳамда Европанинг инвестиция фондлари ва активларни бошқарувчи компаниялардан иборат потенциал инвесторлар рўйхати (37 нафар, рўйхат кенгайтирилмоқда) шакллантирилиб, инвестиция ва грантлар, шунингдек, техник кўмак жалб қилиш юзасидан ҳамкорлик олиб бориш бўйича мурожаат қилинди. Ҳозирда 11 нафар инвестордан жавоб олинган бўлиб, ҳамкорлик юзасидан музокаралар давом эттирилмоқда.

Шунингдек, Халқаро Тараққиёт уюшмасининг "Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш. 2-босқич" лойиҳаси бўйича жалб қилинган 7,5 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ҳисобидан Андижон, Тошкент, Сирдарё, Самарқанд, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларида қишлоқ хўжалиги корхоналарининг лойиҳалари имтиёзли шартларда молиялаштириб келинмоқда.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро фонди-(IFAD)дан жалб қилинган 6,0 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар ҳам истиқболли лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилган.

Жорий йилда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Тадбиркор аёл" Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси, Савдо-саноат палатаси ва тижорат банклари ҳамкорлигида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган аёл тадбиркорлар ўртасида "Тадбиркор аёлнинг энг яхши лойиҳаси" кўрик танлови иштирокчиларидан имтиёзли кредит олиш сертификатига эга бўлган 13 нафар аёлга кредит маблағлари ажратилди.

"Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банки мамлакат иқтисодиётини ҳар томонлама тараққий эттириш, халқ фаровонлигини ошириш мақсадида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли давом эттиришга бундан буён ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишда давом этади.

Яратувчиликка, халққа хизмат килишга бел боғлаган кўплаб ҳамюртларимиз ўзининг орзу-истакларига тадбиркорлик муҳити орқали эришаётганлари таҳсинга лойиқ. Микрокредитбанк» орқали кредит сармоялари олган мижозлар ўзларининг яратувчанлик, бунёдкорлик ишлари билан тараққиётимиз, иқтисодиётимизга муносиб ҳисса қўшишларига шубҳа йўқ. Банк муассасалари кўмагида тадбиркорларимизнинг фаолияти яхши йўлга қўйилганлигини уларнинг қуйидаги сўзлари ҳам ифодалаб турибди:

Санобар Назирова,
Чирчиқ шаҳридаги "Seymanbek Universal Plyus" хусусий корхонаси раҳбари:

— Бугун том маънода айтиш мумкинки, мамлакатимизда ишбилармонларга, тадбиркорларга, фермерларга катта ғамхўрликлар кўрсатилмоқда. Шак-шубҳасиз, бу ўринда банк муассасаларининг хизматлари беқиёс. Менинг ўзим тадбиркор сифатида "Микрокредитбанк" АТБ Ғазалкент филиали мижозиман. Эзгу мақсад, яхши ният билан Чирчиқ шаҳрида қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, тикувчиликни ривожлантиришни режалаштирган эдим. Шу боисдан банк маъмуриятига кредит сармояси олиш учун мурожаат қилдим. Банк томонидан корхонамизга 300 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди. Ундан оқилона фойдаланиб қандолат маҳсулотлари ва тикувчиликни ривожлантириш учун асбоб-ускуналар харид қилдик. Энг муҳими, бунинг натижасида 15 та ишчи ўрни яратилди.

Дилафрўз Тўхтасинова,
Узун туманидаги «Истиқбол-Тўмарис текстил» хусусий корхонаси раҳбари:

— Республикамизда тадбиркорлик субъектлари учун етарли шарт-шароитлар яратиб берилганлиги туфайли тадбиркорлик муҳити равнақ топиб бораётир. Айниқса, банклардан кредит оламан, деган тадбиркорлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Бизнинг хусусий корхонамиз тикувчилик, болалар ва катталар кийимкечаклари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. «Микрокредитбанк» Узун тумани филиалидан 70 миллион сўм миқдорида кредит олиб иш бошладик. Бунинг натижасида учта ишчи ўрни яратилди. Асосийси, маҳсулотларимиз ўз харидорларини топмоқда. Ўз бизнесимизни йўлга қўйиб, элимиз фаровонлигига ўз улушимизни қўшаётганимиз бизга катта қувонч бағишлайди.

Фахриддин РАҲИМОВ

Xizmatlar litsenziyalangan

HURRIYAT
Mustaqil gazeta
Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Бош муҳаррир
Ўктам МИРЗАЁРОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2. *Баҳоси келишилган нархда*
Адади: 4400 Буюртма — S-5650 1 2 3 4 5

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларга қайтарилмайди.
Телефон: (0-371) 244-32-68, 244-32-88
Тел-факс: (0-371) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (0-371) 244-32-91
Самарқанд: (0-366) 233-62-12
Топшириш вақти — 20⁰⁰ **Топширилди** — 20⁰⁰

ISSN 2010-7528
Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Манзилимиз: 100129,
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва оператор Фахриддин Раҳимов *томонидан саҳифаланди.*
Навбатчи: Жобир Хўжақулов
"O'zbekiston" НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: **Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.**